O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 26-mart • № 13 (4048)

БУЮК ВА БЕТАКРОР АЙЁМ

Наврўз барчамиз учун азал-азалдан, аввало, табиат уйғониши, шарқона янги йил дебочаси, маънавиятимизнинг узвий қисмига айланиб кетган энг қадимий, асл миллий байрам сифатида азиз ва мўътабардир.

Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чарақлаб, еру кўкни қиздириши билан ҳам ўзимизни худдики янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади...

Наврўзи оламнинг умуминсоний цивилизация ривожига қўшган буюк ҳиссасини инобатга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шу йилдан бошлаб бу айёмни Халқаро Наврўз куни деб тан олгани, албатта, бежиз эмас ва бу барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзидан.

Тошкентдаги Наврўз тантаналаридан лавҳалар. А.Абдуллаев, С.Ўрмонов (ЎзА) олган сурат.

ҲАР ДИЛДА ЯНГИ КАЛОМ БОР!

Тонг отди. Баҳорий тонг. Куртаклар кулгисидан ойнигувин гулнинг жамолини кўриш иштиёқида бўйи балқиб қўйлаётган булбулнинг қўшиғини тинглаганмисиз?

Тиниқлик ва поклик тимсоли, тонгга қадар ҳар бир гиёҳнинг дури сифатида ҳосил бўлгувчи ва қуёшни бир бора кўриш учун дунёга келгувчи шода-шода шабнамларнинг шивир-шивирига қулоқ тутганмисиз? Булбулнинг куйини тинглаш учун булбулдек ошиқ кўнгил билан, шабнамнинг шивирини эшитиш учун шабнамдек тоза дил билан қулоқ тутсангиз, албатта эшитасиз. Зеро, Яратган ўзи ундирган, ўстирган ҳар бир гиёҳга, ҳар бир жонзотига тил берган. Қуш тилини қуш билганидек, майса тилини майса, шабнам тилини шабнам билади.

Шабнамлар шивири қуёш қўшиғи,
Бойчечак баҳорий бардош қўшиғи,
Шабнамга шивирлаб сир айтган киши
Кўнглидан гуллаган ҳаёт ошиғи.

Қуёшнинг қўшиғи бу тириклик қўшиғи! Бойчечак қўшиғи бу баҳорнинг қўшиғи! Баҳор оламни уйғотади, одамни уйғотади. Дунёда уйғонаётган оламга термулишдан завқлироқ иш бўлмаса керак.

Агар бутун вужудингиз қулоққа айланиб дақиқа сайин бўй чўзаётган майсаларга, ийманиб лаб очаётган куртакларга термулиб турсангиз,

— Ассалом, инсон! Сизга баҳор муборак! Сизга Наврўз муборак! — деяётганини эшитасиз.

Наврўз! Кўкламга интиқ дилларнинг оламга сиғмаган кувончи. Илк бор назарга тушган бойчечакни кўнгил кўзларига суркаб яна бир баҳорга етказгани учун яратганга шукрона айтаётган момоларнинг юзларида балқиб турган нур.

Наврўз! Дарахтлар шохларида бўртиб-бўртиб чиқаётган хандон куртакларнинг пастда елларга елпиниб турган хушҳол майсаларга саломи! Сочларига толбаргак тақкан қизалоқларнинг изларига тўкилиб қолаётган кулгу.

Наврўз! Ўн саккиз ёшлиларнинг тўқнашган нигоҳларида гул бўлиб очилган муҳаббат. Бешиги бошида балқиб, илк айтаётган алласидан ўзи ийманиб турган келинчакнинг кўнгил кўзгусида кулиб турган ой, етмиш икки томирида туғён солаётган покиза туйғу Наврўз! Чунки, баҳорга етганларнинг қувончи ирмоқлар қўшиғидек тиниқ бўлғуси. Чеҳралар бирин-сирин очилаётган турфа гуллардан ранг олғуси.

Наврўз! Оламга тинчлик, осойишталик сўраётган, қарияларга имон-эътиқодда собитлик, ёшларга инсоф ва оқибат тилаётган оппоқ соқолли боболарнинг дилларида нурланиб, тилларидан тўкилаётган эзгу тилак. Зеро, дунё имон-эътиқодда собит кишилар ҳисобига тинч ва осойишта, яхшиларнинг савоблари эвазига яшнаб, ёшариб боряпти.

Чунки, ҳадиси шарифда таъкидланганидек, ўзига раво кўрган яхшиликни ўзгалардан дариғ тутмаган, ўзи қўл уришни ножоиз деб билган ёмонликдан ўзгаларни ҳам қайтаришни фарз ҳисоблаган кишилар — булар жамиятни покловчи, маънавият кўзгуси ҳамиша нурланиб турадиган инсонлардир. Зотан, ота-боболаримиз янги йилнинг бошланиши сифатида нишонлаган, уйғонгувчи, уйғотувчи фасл сифатида олқишлаган кўкламнинг кўрки қадимий Наврўзи айёмнинг қалбларимизга солувчи туғёнлари ҳадсиздир.

Наврўз — қишдан толиққан табиатнинг, қишдан жунжиккан дилларнинг кўксида кулган қуёшдек табаррук ва тотлидирки, беихтиёр поклана бораётган табиат покланиш орзусида ўй суриб турган одамларнинг қалбларига ирмоқларнинг шивирини, чақмоқларнинг суронини олиб киради.

Тиниқ туйғулар ҳамиша тиниқ фикрлар уйғотади. Ривоятларда айтилишича, худойим инсонни яратганда унинг танасига тупроқ таркибида мавжуд жамики тилсимотни қўшган экан. Шу боис одамзот она ерда унган ҳар бир дов-дарахт, ҳар бир гиёҳда ўзига яқин ва азиз бир нарсани кўради. Кўрадигина эмас, уларга боқиб кўзи қувнайди, дили туғёнга тушади. Илк бойчечак, илк ялпиз, қирда гулхан ёққан илк лола, лолақизғалдоқ, пешайвонга қўнган қалдирғоч, уйи осмонидан учиб ўтган турналар — ҳамма-ҳаммаси уни ҳаяжонга солади. Айни пайтда ўйга толдиради.

Дунёга келишдан мақсадини англаб етган инсон ўзидан сўраб туради: «Шунча йил яшаб қўйибман. Нима иш қилишга улгурдим? Яратганнинг марҳамати билан унган ялпизнинг муаттар иси бахш этган ҳузурни, бир лола рангидан томиб турган қувончни, чирқиллаб турган боласи қошига саноқсиз келиб-кетаётган қушнинг меҳрини одамларга беролдимми?»

Давоми иккинчи саҳифада.

Ҳусниддин ШАРИПОВ

Шеърий лаҳза

Баркамоллар қўшиғи

Барқ уриб ўсмоқда авлод шоду хуррам, баркамол,
Ёш кўнгиллардан олиб нур, кўҳна олам баркамол.

Жўр овоздир ҳам набира, ҳам бобонинг диллари,
Авж этарлар: "Яйрашайлик, бўлди ўлкам баркамол!"

Куш бўлиб завқ этса парвоз, бирга бошинг юксалар,
Бош кўтармас қайта дардинг, қўйса малҳам баркамол.

Юз аср ер титратиб вулқон камолга етмагай,
Бир нафас кулбангни обод айлаган шам баркамол.

Зўр деманг уммонни, шўр сув лаб ёрар ё бош ёрар,
Жим сизиб, чанқоқ босарки, Обизамзам баркамол.

Тотли, гўзал мева унгай меҳру шафқат боғида,
Биз севиб боқсак, азизлар, бошқалар ҳам баркамол.

Хоҳ жилоли, хоҳ жиловли — ҳамма гап кўнгилдадир,
Ҳуснидан айб изламангиз, бўлса кам-кам баркамол.

ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Муносабат

Вақтнинг елдек ўтишини қаранг. Кечагина Наманганда жойлашган ҳарбий пиёда билим юртини тугатиб, Иккинчи жаҳон уруши фронтларида қон кечиб юрганим, 1950 йилгача Порт-Артур қалъасида ҳарбий хизматни давом эттирган ёш йигитлик даврим ёдга тушади. Уруш йиллари қандай жангу жадаллар, қийинчиликларни кўрмадик, дейсиз.

Оллоҳ умр берган экан, мана бугун юртимиз истиқлолидан баҳраманд бўлиб, яратганга шукрона айтиб яшаяпмиз. Мустақил диёримизда тинч-омон ижод қилиб яшаш бахтига нима етсин? Инсоният тарихидаги энг даҳшатли урушлардан бири тугаганига ҳам 65 йил тўляпти. Афсуски, бугунги дориломон кунларгача кўплаб сафдошларимиз, жасур уруш қатнашчилари етиб келолмадилар.

Президентимизнинг иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага муносиб улуш қўшган уруш қатнашчилари ва ногиронларининг жасорати ҳамда фидойилигига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида" чиқарган Фармони мен каби фахрийларни ҳаяжонлантириб юборди. Айниқса, ҳар бир қатнашчининг "1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги" юбилей медали ҳамда пул мукофоти билан тақдирланиши юрагимизда самимий туйғулар уйғотди.

Бу юртимизда, қайси жабҳада бўлмасин, фидокорона меҳнат қилаётган, ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшаётган ҳар бир кишининг хизмати беэътибор қолмаслиги, инсон шаъни, унинг хизматлари улуғланаётганидан далолатдир.

Шахсан менга бундай эътибор катта куч-ғайрат ва шижоат бағишлайди. Мен мусиқашуносман, бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар кўп. Имконим борича ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш ишига мусиқа тарбияси орқали ҳисса қўшиш йўлида ўз истеъдодим ва хизматимни аямайман.

Аҳмад ЖАББОРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор

ЭПИК ТАФАККУР МАҲСУЛИ

Шарқ классик шеъриятининг энг яхши бадиий анъаналарини ўз ижодида мужассамлаштирган улуғ туркман шоири Мулланафас Қодирберди ўғли бетакрор лирик асарлари ҳамда «Зуҳра-Тоҳир» достони билан Ўрта Осиё халқлари поэтик тафаккурининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган шоирдир. Айниқса, унинг туркман афсоналари асосида яратган «Зуҳра-Тоҳир» достони анъанавий эпик сюжетнинг янгича талқини ва шоирнинг юксак бадиий маҳоратини намоён этгани билан ўзига хослик касб этади.

Маълумки, Тоҳир ва Зуҳранинг соф муҳаббати ҳақидаги бу қадимий эпик сюжет ўзбек, татар, туркман, уйғур, қрим-татар, турк, қозоқ, озарбойжон ва бошқа туркий халқлар орасида афсона, эртак, достон ва қисса тарзида кенг тарқалган. Хусусан, ўзбек фолклорида бу сюжет асосида яратилган қирқдан ортиқ эртак ҳамда Раҳматулла Юсуф ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғли каби бахшилар ижросидаги достон вариантлари мавжудлиги мазкур эпик сюжетнинг оғзаки версия ва вариантлари туркий халқлар ижодиётида муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради.

XVI асрдан эътиборан достоннинг бахши ва эртакчилар репертуаридаги оғзаки вариантларининг ижодий қайта ишланиши натижасида мазкур эпик сюжетнинг қисса шаклидаги намуналари юзага кела бошлади. Жумладан, Мулла Саййид Муҳаммад Сайёдий томонидан яратилган «Тоҳир ва Зуҳра» достони ҳам ўзбек фолклоридаги анъанавий сюжетни қайта бадиий идрок этишнинг ўзига хос кўринишни ҳисобланади. Атоқли шоир Мулланафаснинг «Зуҳра-Тоҳир» достони ҳам Ўрта Осиё туркий халқлари бадиий тафаккури ривожи давомида шаклланган ана шу бадиий анъананинг туркман адабиётидаги ўзига хос талқинидир. Бу достон халқ эпоси анъаналарига мослиги, 3000 сатрдан зиёд шеърий мисра ишлатилганлиги, эпик мотивлар тизимининг мукаммаллиги ва қаҳрамонлар тақдирининг ўзига хос талқини билан шу мавзудаги бошқа афсона, эртак, достон ва қиссалардан фарқланиб туради.

Маълумки, «Зуҳра-Тоҳир» достони туркий халқлар эпосининг ишқий-саргузашт типига мансуб бўлиб, «Қўзи Кўрпеш ва Баян сулув» достони билан муштарак негизга эга. Фолклоршуносликда бу достон сюжетининг генезиси хусусида турлича илмий фаразлар илгари сурилган бўлса-да, бизнингча, озарбойжон олими М.Тахмасибнинг: «Бу эпик сюжетнинг қадимий асослари астрал мифологияга бориб тақалади», деган хулосаси эътиборга моликдир. Унингча, осмон ёритқичлари ва юлдузлар билан боғлиқ астрал мифлар таъсирида юзага келган эпик ривоят XIV — XV асрлардаёқ ошиқ-маъшуқлар ҳақидаги афсона ёки эртак сифатида оммалаша бошлаган. Зеро, Мулланафаснинг «Зуҳра-Тоҳир» достонидаги қаҳрамонларга исм қўйилиши мотивида ҳам юлдузлар билан боғлиқ астрал қарашлар ўз ифодасини топган.

«Зуҳра-Тоҳир» достонида Бобохон подшонинг хотини Шоҳижаҳон қиз туққач, шоҳ фалакиёт илмидан бохабар уламоларини йиғиб, фарзандига исм қўйиб беришни сўрайди. Улардан бири «Ой», иккинчиси «Моҳ», учинчиси «Кун», деб от қўйишни таклиф қилади. Бу исмлар маъқул бўлмагач, шоҳ донишманднинг аёли Бўстонсочни чақиртиради. Бўстонсоч қизалоқнинг юзини очиб кўриб: «Эй халойиқ, бу қиз ойга, кунга баробар қиз эмас, яна ўн икки юлдуз ҳам бордир — Шамс дерлар, Қамар дерлар, Ақраб дерлар, Мизон дерлар, Қавс дерлар, офтоб буржидан туғарлар. Яна икки юлдуз бордир, отини Шоҳи Муштарий дерлар, унинг шуъласи ойдан, кундан зиёдадир. Яна икки юлдуз бордир, у тўққизинчи фалакнинг юзинда туғар, отини Зуҳра дерлар, ўзи мутриб — бозигар бўлар, ишқи баланд созандадир, юзининг шуъласи ой-куннинг шуъласидан етти ҳисса зиёдадир. Бу қизнинг отини Зуҳра қўяйлик», дейди. Халойиқ бу таклифни маъқул билиб, қизнинг исмини «Зуҳра» қўяди.

Давоми учинчи саҳифада.

БАРДАВОМ ИЗЛАНИШЛАР

Ўтган йили суратга олинган кинофилмларга бир назар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кинематография соҳасини бошқаришни такомиллаштириш" ҳамда шу муносабат билан "Ўзбеккино" Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорининг қабул қилинганига олти йил тўлди.

Бир қарашда бу катта муддат эмас. Аммо ҳозирги фавқулоддa тезкор тараққиёт даври учун ниҳоятда катта муҳлат. Бу йилларни шунчаки хаёлида жонлантирган одам ҳам унинг ўзбек миллий киноси учун, ҳеч шубҳасиз, жуда муҳим ва ўта сермаҳсул янги бир босқич бўлганини эътироф этади. Миллий киномиз бугун росмана қад ростлаб, ўзининг йўналиш ҳамда ривожланиш жараёнини муайян изга солаётир. Бунинг навбатдаги исботи 2009 йили яратилган филмлардир.

Ўнта давлат киностудияларида ва 35 хусусий студияларда яратилган жами 45 номдаги филмларнинг салмоғи қониқиш ҳиссини бахш этади. Албатта, улар ҳар жиҳатдан фарқли ва турлича тарих ҳамда талқинга эга. Давлат маблағлари ҳисобига суратга олинган филмлар режиссёрларининг аксарияти ёшлар. Агар Собир Назармуҳамедов ёки Нозим Аббосов, Ориф Йўлдошев ва Б.Низаматдиновларнинг айни ўрта камолот ёшида эканларини эътиборга олсак, айтиш мумкинки, ўтган йилги филмларнинг барчаси киномизнинг навқирон вакиллари томонидан яратилди. Мазкур филмларнинг сценарий муаллифлари ҳам Абдуқаюм Йўлдошев, Ғафур Шермуҳамедов, Тоҳир Шомуродов, Шоира Ғиёсова каби ёш қаламкашлар. Демоқчимизки, кинода авлодлар ворислиги табиий бир жараён ўлароқ мўътадил кечмоқда. Албатта, уларнинг профессионал даражаси, тажриба ва ёндашувлари ҳар хил. Аммо муҳими — соҳага эътибор кучайгани сари, янги авлод вакилларининг келиб қўшилуви ҳам ўз йўсинида давом этяпти. Давлат телевидениесида миллий киносериаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ ҳолда кино ва телевидение соҳалари учун кичик мутахассислар тайёрлаш бўйича махсус касб-ҳунар коллежининг очилиши, кадрлар масаласидаги муаммоларни ҳал этиш имконини ҳам беради, албатта. Фақат санъат истеъдодлар томонидан яратиладиган ғайриоддий бир соҳа эканини ёдда тутиб, "йилт" этган умид учқуни бўлган ёшларнинг ижодий муҳитга тушишини таъминлай олсак бас. Шунда соҳани уфқларга етакловчи киносценарийчи, кинорежиссёрларни, юксак санъат намуналарини яратадиган санъаткорларни юзага чиқарамиз.

2009 йилги бадиий киномиз умумий хусусиятлари ҳақида сўзлаганда, мавзуларнинг ранг-баранглиги, даврнинг долзарб ижтимоий-ғоявий масалаларига муносабат тарзида филмлар яратишга эътибор кучайгани ва, албатта, миллий турмуш манзараларини акс эттириш миллий характерлар яратиш йўлидаги изланишлар эканини қайд этиш жоиз.

Ўтган йили давлат маблағлари ҳисобига яратилган филмларни тематик тамойил асосида таснифлайдиган бўлсак, қуйидаги уч йўналиш бўртиб кўринади: биринчиси, умуминсоний мавзулар, инсоннинг макон ва замон, вазият тақозосига кўра эврилишлари, вақт, умр синовларида шахс моҳиятининг намоён бўлиш хусусиятлари, ўз "мен"ини излаш изтироблари акс этган филмлар; иккинчиси, бугунги кун, ижтимоий давр кўн тартибига қўяётган долзарб масала-мавзуларга муносабат сифатидаги филмлар; учинчиси, миллий қадриятларга эътибор, анъаналар давомийлиги мавзуси, миллий-маиший турмуш кўринишлари акс этган филмлар.

Албатта, бу шартли тасниф, фақат мавзу устуворлигига асосланган тасниф. Айни чоғда, мавзунинг ёритилиш шакли, даражаси, режиссура, талқин, бадиий изланиш ва топилмалар, услуб, маҳорат, актёрлик ижролари ва яна талай хусусиятларга кўра улар мутлақ фарқ қилади.

Давоми бешинчи саҳифада.

Янги рукн: Узукка кўз ярашади

Истиқлол йилларида Ватанимиз жамоли яшнаб, шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига-кўрк қўшилмоқда. Асл шарқона ва миллий меъморий қиёфа касб этаётган янги иншоотлар, боғ ва хиёбонлар, кенг йўллар ва кўприклар юртимизга ўзгача гўзаллик ва файз бағишламоқда.

Ҳар жиҳатдан замонавий қилиб қурилаётган иморатлар, таъмирланиб обод этилган кўҳна обидалар, қишлоқларимизнинг асрий қиёфасини бутунлай ўзгартириб юбораётган обод қўрғонлар, спорт ва маданий-маърифий иншоотлар Она юртимизга узукка қўйилган кўздек ярашиб тушмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига бағишланган мақола ва суҳбатларимизни "Узукка кўз ярашади" номли янги рукн остида эълон қилиб боришга қарор қилдик.

Ўразбой АБДУРАҲМОНОВ, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

ЯХШИ НИЯТЛАР ШАҲРИ



Негадир бу шаҳарнинг ўтмишини эслагим келмайди. Ўтган асрнинг саксоннинчи йилларида, Дўрмон ижод уйида устоз адиблар Назир Сафаров билан Шуҳрат даврасида бир суҳбат бўлган. Эҳтимол, бунга шу сабабдир?!

Назир Сафаров яқин орада Нукусда бўлмаган экан, шаҳардаги ўзгаришлар ҳақида сўради. Мен кўрган-билганимни айтдим. Шуҳрат ака яқинда Чимбой билан Мўйноққа бориб келган экан, мени маъқуллади. Шунда Назир ака яқин ўтмишни эслаб кетди.

— Ўшанда 1932 йилнинг кузи эди. Биз Тўрткўлдан чиқиб, бир кеча-кундуз йўл юриб, ниҳоят, кечқурун Нукусга етиб келдик. Қизкетган каналининг чап соҳилида, эски ҳарбий казарма, сал нарида пастқам уйлар, ўнг соҳилда эса, девори баланд биргина иморат бор экан. Бизни ўша бинога жойлаштиришди. Кичкина хона, иккита кароват, ўртада стол, столда ёқилган шам. Э, Худо, шам атрофи тўла суварак, улар шам ёлқинида аждаҳодек улканлашиб деворга соя ташлайди...

Йўл азоби — гўр азоби. Ўлгудек чарчаб келганмиз, лекин кечаси билан мижжа қоққанимиз йўқ. Ухлагани қўймайди, ҳалиги жонивор! Шунақа, ўғлим, ўшанда Нукуснинг аҳволи шундай эди. Эртаси куни маҳаллий раҳбарлар ўртага харита қўйиб, қаерда банк, почта, пединститут бинолари қуриш кўзда тутилганини айтиб беришган...

Оқсоқоллар суҳбатидан сўнг, аввалги тасаввурим бутунлай ўзгарди. Мактабда ўқдирилган, ўқитилган тарихга оид гапларга шубҳа билан қарайдиган бўлдим.

* * *

Мустақиллик қорақалпоқнинг ҳам кўзини очди, у кенг дунёни кўрди.

Қорақалпоқ заминидаги бугунги ўзгаришлар уни қаноатлантиради. Қўнғирот сода заводи, Нукус мармар ва "Кабель" заводлари, Амударё узра қад ростлаган муаззам кўприкларни айтмай қўя қолай. 2002 йилнинг августида Тошкентдан чиққан биринчи йўловчи поезди куни кеча қуриб битказилган "Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус" темир йўли орқали шаҳримизга кириб борди. Кўпчилик Қизилқум саҳросини кесиб ўтган бу йўлни барпо этиш 1994 йили бошланганини билмайди, ҳатто.

Ўшанда Султон Увайстоғ тизмасидаги Ўғрисой этакларига миллионлаб кубометр тупроқ ётқизилган. Яна денг, ўша тоғнинг белини кесиб йўл очилган. Ёдимда, белорус йўлсозлари бу ишни уддалай олмагач, иш тўхтаб қолган. Қарангки, ўзимизда бу ишнинг ҳадисини олган уста бор экан, у Нукусда яшар экан...

Бекбаули Сейтов бош бўлган "Ўзтрансқурилиш" трести Нукус қурилиш участкаси йўлсозлари ўшанда бу оғир ишни тўққиз ой ичида рисоладагидек қилиб адо этишган...

Нукусни мамлакатимиз минтақалари билан чамбарчас боғлаган янги темир йўл туфайли Мискин, Элликқалъа, Беруний ва Тўрткўлда янги вокзаллар бино этилди. Нукус темир йўл бекати замонавий андозада тубдан қайта таъмирланди. Шуниси қувонарлики, темир йўл ишга тушгач, минглаб йигит-қизлар ишли бўлди. У ҳаётга қайноқлик олиб кирди, узоғимизни яқин қилди...

* * *

Қорақалпоқнинг ёш шоираси Мадина Қутлимуродова: **"Сочларимни ёт элларнинг олтин тупроғи эмас, Ватаннинг чангаллари тарагай..."** — деб куйлайди.

Бу қандай сеҳр, қандай туйғу! Бутун дунё Орол фожиаси ҳақида, тузли бўронлар касри ҳақида бонг ураётган, денгиз кулфати таҳдид солиб турган бир вақтда нурли келажакка мустаҳкам ишонч билан қараб, ҳашаматли иншоотлар қураётган, она шаҳрини обод этаётган кишиларимиз матонати мени ҳайратга солади.

Тўғри, тўқсоннинчи йилларда анча довдираб қолган эдик. Завод ва фабрикалар тўхтаб, чала битган иншоотлар ёнидаги кранларни мудроқ босган.

1991 йилнинг декабрида Нукус шаҳрига ташриф буюрган мамлакатимиз раҳбари кўпгина корхоналарни бориб кўради, кишилар билан суҳбатлашади, одамларнинг кўнглини кўтариб; аниқ йўл-йўриқ кўрсатади. Шундан сўнг шаҳар қурилишида кескин ўзгариш рўй берди. Аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш учун 243 километр узунликдаги Туямўйин — Нукус сув тармоғи қуриб ишга туширилди. Янги мактаблар, шифохоналар, жомеъ масжиди, замонавий турар-жойлар қурилди, кўркам хиёбонлар шаҳар чиройини очиб юборди. Марказда ғоят муҳташам Санъат музейи бунёд этилди. Дастлабки қўшма корхона бўлган "Катекс", Нукус ун комбинати, Радио уйи, Бизнес маркази, Меъморчилик қўмитаси, кўплаб банкларнинг маъмурий бинолари қад ростлади, троллейбус йўналиши ишга туширилди. Тошкент тиббиёт педиатрия институти ва унга туташ консерватория филиаллари иш бошлади. Айниқса, янги аср бошига келиб, Нукус ҳақиқий бунёдорлик майдонига айланди. Ўнлаб лицей ва коллежларнинг замонавий бинолари, болалар спорт мажмуалари, супермаркет ва уй-жойлар барпо этилди. Янги саноат корхоналари иш бошлади. Хусусан, шаҳар маркази яшнаб кетди, бу ерда қад кўтарган Жўқорғи Кенгаш биноси ва Республика майдони, майдонга салобат бахш этиб турган буюк мутафаккир Бердақ ҳайкали ва унинг атрофида гуркираб ўсаётган ёш арча ниҳоллари теран бир рамзий маънога эга.

Ўзимизнинг Оқ уй, оқ ўтовимиз, қорақалпоқнинг кўнглидай тоза — оқ ранг!

Олимлар оқ ранг камалакнинг етти ранги мажмуи эканини аллақачон исботлаган.

Ўз даврида:

Замон хусуматидан сарғайдим, ўздим,
Бўларму деб яхши кунлар халқ учун... —

деб қайғурган шоир бугун марказий майдонда турибдек ёруғ кунларга шукрона айтиб, келажак авлодни дунёвий тамаддун сари, илм-маърифат сари ундамоқда, гўё.

* * *

Шаҳарларда ўтмиш билан замон ҳамоҳанг яшайди, деган гап бор. Буни Нукус мисолида ҳам кўриш мумкин. Сўнгги пайтда шаҳар марказини қайта таъмирлаш лойиҳаси бўйича кўп ишлар қилинди. Қорақалпоқ мусиқали театри биноси тубдан қайта қурилди. Кўримсиз иморатлар ўрнида Бердақ музейи, Марказий банк, "Платтас" қўшма корхонаси, газ саноати маҳкамаси, Молия вазирлигининг янги бинолари қад ростлади. Ўтган асрдан қолган жинқўчалар ўрнини кенг ва замонавий йўллар, сўлим хиёбонлар, обод гузарлар эгаллади. Айниқса, шаҳар марказини аэропорт билан боғлайдиган "Дўстлик" гузари, Театр майдонидан жанубга йўл олган Тўрткўл гузарлари, шимолга элтадиган Эрназар Олакўз гузари ёки Амударёнинг янги кўприги билан боғлайдиган Хўжайли гузарлари ҳар томонлама мақтовга лойиқ. Ундаги бетиним қатновни кузатсангиз, мазкур гузарлар узоқни кўзлаб қилинганига амин бўласиз. Шунда беихтиёр фольклоршунос олим Қалли Ойимбетовнинг бир ҳангомаси ёдга тушади.

"1926 йили Қорақалпоғистонда иккита енгил автомобил бўлган, — дейди Қаллибек оға. — Уларнинг бири Қизил Ўрдадан, яна бири Тўрткўлдан чиқиб, Чимбойдаги мажлисга йўл олган. Йўлда улар тўқнаш келган. "У менга йўл берсин!", "Бу менга йўл берсин!" — деган иддао билан бориб бир-бирига урилган". Бутун бошли республикада иккита енгил машина бўлса-ю, яна бир-бири билан тўқнашиб ўтирса, қизиқ эмасми?! Бугун пойтахтнинг кенг ва равон кўчаларида минглаб автомобил бемалол ғизиллаб қатнаб ётибди. Айтиш жоизки, бу машиналарнинг тўқсон фоизи ўзимизникидир. Асакада ишлаб чиқарилган...

"Дўстлик" гузаридан юрсангиз, қад ростлаётган кўп қаватли муҳташам уйларга кўзингиз тушади. Улар аввалгиларга ўхшамайди. Қорақалпоқ меъморчилик анъаналари уйларга жозиба бахш этган. Бу, кенг-мўл яшил ҳудудлар, ландшафт дизайни Нукусда шаҳарсозлик мактаби шакллланаётганидан далолат беради. Қурувчиларга тасанно, аввал бунақа иморатлар қурилиши йиллаб давом этган, ҳозир эса икки-уч ойда қад кўтарган ҳашаматли биноларни кўриб, кўзингизга ишонмайсиз. Ҳатто, тўрт-беш қаватли коллеж мажмуалари ҳам бир йилнинг нари-берисида фойдаланишга топширилмоқда. Замон талаби шундай! Биз шиддатли XXI асрда яшаяпмиз. Ҳеч кимдан кам эмасмиз, деб курашаяпмиз!

Эски шаҳарни энди ўз номи билан айтишга уяласиз. Нукусда мамлакатимиз ёшларининг "Баркамол авлод" спорт мусобақалари ўтиши муносабати билан барпо этилган кўркам "Турон" стадиони, "Орол" сузиш ҳавзаси ва уларни ўз қанотига олган Нукус спорт коллежи иморатлари ўзининг бетакрор жозибаси ва салобати билан кўрган кўзни қувонтиради.

Шаҳар марказидаги янги амфитеатр, сўлим хиёбон ва катта спорт манежи мажмуаси ҳам кўз очиб-юмгунча бунёд этилди. Спорт манежи, қачон қараманг, гавжум. У ёшларнинг севимли маскани. Беш карра жаҳон чемпиони Эркинбой Куттибоевнинг издошлари кўпайиб бораяпти.

Орзуга айб йўқ, мен ҳам беш ёшли неварамни Эркинбойнинг издошлари сафида кўрайин деб, спорт манежи каратэ гуруҳига бердим. Ҳар сафар неварамни манежга олиб борар эканман, спортчилар орасида жаҳон чемпионати совриндори Нодира Казаковани кўраман ва унинг машқларидан завқланиб, Нукус бадиий гимнастика мактаби ва оғир атлетика залларини хаёлдан ўтказаман.

Ёдимда, Москва олимпиадаси арафасида жаҳоннинг энг кучли штангачиси Султон Раҳмонов, жаҳоннинг энг гўзал гимнастикачиси Нелля Ким Нукусдан чиққанидан фахрланиб юрганман. Бугун эса гимнастикачи Бўтакўз Баятанова, оғир атлетикачи Абат Нуруллаев, яна қанча нукуслик спортчилар жаҳон миқёсида Ватанимиз байроғини баланд кўтармоқда. Улар бизнинг фахру ғуруримиз, ифтихоримиз...

* * *

Нукус истеъдодли ёшлари, ҳашаматли иншоотлари, гўзал гузарларию замонавий халқа йўллари билангина эмас, балки ҳар жиҳатдан қулай, миллий менталитетимизга хос ва мос бўлган кўркам турар жой бинолари билан ҳам мақтанса арзийди. У бизнинг кўз олдимизда обод ва замонавий шаҳарга айланди. Тасаввур қилинг, мустақиллигимизга қадар Нукусда жамоат овқатланиш трестига бўйсунадиган бир ресторан, бир кафе ва саккизта ошхона бор эди, холос. Агар вақтида ҳаракат қилмасангиз, таом тугаб, ҳатто тушлик қила олмас эдингиз.

Бугун-чи? Бугун "Қорақум", "Карвонсарой", "Жасмин" сингари ўнлаб ресторану кафелар куну тун хизматингизда. Дунёда борки ноз-неъмат дастурхонда муҳайё. Буям керак, буям тараққиёт белгиси...

Бугун Нукус элимизнинг осойишта ва обод, энг муҳими, кундан-кунга юксалаётган бош шаҳри. У халқимизнинг барча орзу-умидларини ўзида мужассам этган.

Вақт доим олдинга интилади, шу боис тушунчалар эскириб боради. Узлуксиз ҳаракатда бўлмаган ва ўзини янгилаб бормаган одам ҳаётдан орқада қолади. Шаҳарлар ҳам шундай. Ҳаётнинг маъно-мазмуни эзгу ниятли интилишда мужассам. Шунинг учун ҳам, биз кўрмаганни болаларимиз кўрсин, деймиз. Қаранг, бугун шаҳарда уч юз минг аҳоли яшаса, уларнинг аксарияти ёшлардир. Нукусдаги бешта олий ўқув юрти билан ўнлаб коллеж ва лицейлар талабалари кўчаларни яшнатиб турган гулларга ўхшаб кетади. Айниқса, кўклам сепини ёйгач, шаҳримиз чиройи яна ҳам очилиб кетди. Шу сатрларни ёзаяпман-у, давлатимиз раҳбарининг: **"Нукус — саҳро бағрида инсон ўз қўли билан яратган мўъжиза"**, — деган фикри хаёлимдан ўтади. Аммо бу ишлар ўз-ўзидан бўлган эмас. Бунинг замирида эл-юрт тақдирига, фарзандлар тақдирига қайғуриш, халқим ҳаётдан рози бўлиб муносиб кун кечирсин, Она Ватан обод бўлсин деган тенгсиз элпарварлик, юртпарварлик ва шунга яраша заҳмат мужассам.

Нукусдаги ўзгаришлар Президент Ислом Каримовнинг номи билан бевосита боғлиқ. У киши етти марта шаҳарга ташриф буюргани, ҳар сафар дилларга ўт солиб, одамларни янги ишларга даъват этгани, умид ва ишончга қанот бўлгани доим халқнинг тилида.

* * *

Юртимизда мумтоз сўз заргарларининг қадри баланд ва янада ортмоқда. Давлатимиз раҳбарининг тавсияси билан Нукуснинг бош майдонига буюк бобоколонимиз Бердақ ҳайкали қўйилгани ҳам бунинг бир мисолидир. Халқпарвар шоир сиймоси гўзал шаҳримизнинг мумтоз тимсолига айланди. Бу майдон, қачон қараманг, ёшлар билан гавжум. Улар улуғ шоир каби халқпарвар, ватанпарвар бўлиб вояга етишига, Ватан истиқболи деб ёниб яшашига шубҳа қилмайман...

ҲАР ДИЛДА ЯНГИ КАЛОМ БОР!

Бошланиши биринчи саҳифада.

Дарҳақиқат, Тангри шундай буюк заргарки, табиатда яратилган ҳар бир нарсанинг, ҳар бир жонзотнинг ўз ўрни, ўз вазифаси, ўз масъулияти бор. Улар бу юмушларни деярли бехато бажаради. Лекин, табиатнинг энг онгли ва улуғ мавжудоти инсон эса гоҳида ўзлигини, афсуски, унутиб қўяди, ўзига берилган мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмайди. Умрининг ўткинчилиги ёдидан кўтарилади. Мардликни эса... Зийрак одам учун табиатда мардликка чорловчи омиллар жуда кўп. Беихтиёр ёдимга «Чоткол» тоғ қўриқхонаси қоровулларидан бирининг анча йиллар бурун айтиб берган ҳикояси тушди.

Табиатнинг энг эрка, энг гўзал, энг беозор жониворларининг бунчалик мардликлари ҳам борлигига тасанно айтиб, ёқамни ушладим, ука, — деганди у киши ўшанда, — агар тоғ кийиклари бир-бири билан келишолмай қолса, қай бирининг-дир ҳалокати муқаррар бўлса, ҳалол жанг қилар экан... Ана шундай жангнинг гувоҳи бўлганман.

Келишолмай қолган кийиклар тубсиз қоя қошига келишаркан. Бири бутун жисму жонини кучга айлантириб қоя ёнида туради. Иккинчиси эса зарб билан келиб унга ўзини уради. Бири қоя тубига учиб кетгунча улар навбат билан ўрин алмашиб, шундай жанг қиларканки...

Оламни уйғотган Наврўз айёмида буни эслашдан мақсад, бу дилбар фасл дунё гўзаллигидан дақиқа сайин, соат сайин илҳом олиб меҳру оқибатни оширадиган ишлар қилишга чорлов эканини яна бир бор эсга олишдир.

Дарҳақиқат, Наврўз ҳаммамизни яратишга, меҳнат қилишга, ерга уруғ қадашга чорловчи кўкламнинг жарангидир. Меҳнат қилган одам эса ўзи ҳам эккан ниҳоли билан бирга ўсиб боради, гўзаллашиб боради. Кўнглидан гуллаб, қалбида офтоби балқиб бораётган одам иғводан, ҳасаддан йироқ бўлади. Меҳнат кўнгил эҳтиёжига айланган жойда, замин гўзал, одам гўзал.

Наврўз! Меҳнат ҳақидаги гўзал қўшиқ! Бу қўшиқни ҳамма куйласа, Она замин шодликдан энтикади. Олам иссиқ нонинг юзидек жилмаяди. Одам иссиқ нонинг исидан маст бўлади. Дунёда бундай мастликдан тотли нима бор?!

Илоҳо, гўзал Наврўзнинг гўзал қўшиғини куйлаш барчамизга доимо насиб этсин. Зеро, Наврўз уйғонувчи фаслнинг уйғотувчи қўшиғидир.

Дунё бор, бўлажак, мудом бор,
Ҳар дилда бир янги калом бор.
Баҳорга етганлар қувонинг,
Сизларга гуллардан салом бор!

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ТОМ БОШИДАГИ СУҲБАТ

Ёшликнинг шукуҳи, гашти ўзгача эди. Илм ва диплом олиш учун имтиҳонлардан ўтиб, кимдир грант, яна кимдир контракт асосида таҳсилни бошлаган дастлабки кезларда, айниқса, кўкда парвоз қилардик.

Оддий сўзлашувда "филфак" деб аталадиган ўзбек филологияси факултети тўртинчи-бешинчи қаватларда жойлашган бўлсада, кўнглимиз еттинчи қаватда эди. Сабоқдошларимизнинг кўпчилиги романтик кайфиятда бўлиб, адабиётшунос Баҳодир Карим таъбири билан айттанда, "нималарнидир қоралама" қилишар, ҳажм жиҳатдан мактаб ўқувчисининг ўн икки варақлик дафтарини тўлдириб-тўлдирмаган бу қораламаларни ҳар ким ўз наздида, адабиётнинг сара дурдоналарига тенглаштирарди. Аслида ўша "ижод" намуналари ҳаётта, муҳаббатга чанқоқ нигоҳ билан боқаётган ёш кўнгиллар изҳори бўлиб, улар Олим Тўлабоев, Узоқ Жўрақулов каби домлаларнинг қўллаб-қувватлаши билан факултетда ташкил этилган "Ҳилол" адабий тўгараги, "Сўз" деворий газетаси "мухлислар"ларини эътиборига ҳавола қилинарди.

Эътироф

Рейтинг дафтарчамизда курсдан курсга ўтганимизни тасдиқловчи муҳр кўпайгани сари кўнгиллардаги бетизгин орзулар ҳам маълум меъёрга кела бошлади. Талабаликнинг сўнгги йилларида илгарилари жаҳон адабиётининг сара намуналарини яратиш иштиёқида юрган "даҳо"ларнинг ҳовури босилиб, ўзларига биркитилган домлалар билан малакавий битирув иши мавзуи юзасидан гоҳ ҳафсала, гоҳ бепарволик билан изланишни бошладилар.

Умарали Норматов билан яқиндан танишувим худди шу жараёнда кечган. Айтиш жоиз, домлани олим ва профессор сифатида мактабда ўқиб юрган пайтимда таниган бўлсам, университетдаги таҳсил давомида фидойи инсон ва ҳайрат оламида юрган адабиётшунос сифатида кашф этганман. Бунга бакалавр, магистратура битирув малакавий ишимга раҳбарлик қилганда, бир неча бор уйида бўлганимда кўп бор ишонч ҳосил қилганман.

Май ойи, таҳсил якунлаб бораётган кунларнинг бирида сабоқдош оғайниларимдан бири билан битирув малакавий ишимни муҳокама қилиб, ҳимоя-га тайёрлаш мақсадида домланинг уйига йўл олдим.

Кўнгилда ҳадик, қўлда қоралама билан домланинг эшигини тақиллатдик. Ичкаридан "ҳозир" деган таниш овоз эшитилиб, ҳовлида енгил шарпа қулоққа чалинди. Биз "профессор уйида қандай кутиб оларкин?", деган ўйда эшик олдида қисиниб-қимтиниб турибмиз. Эшик очилиб очиқ чеҳра, бизга таниш табассум билан Умарали Норматов чиқиб келди.

— Э, азизларим, — деди домла хушнудлик билан. — Келганингиз қандай яхши бўлди. Иш баҳона бир дийдорлашадиган бўлдик. Қани ичкарига!

Илиқ муносабатдан кўнглимизга ҳам илиқлик югурди. Мулозаматга кўп ўрин қолдирмасдан олдинма-кейин ҳовлига кирдик. Ҳовлида том бўйи баробар икки туп гилос ғарқ пишиб ётибди.

— Ўҳ, — деди оғайним гилослардан кўз узмай. — Чиройлилигини қара. Яшил дарахт қизил тўн кийганга ўхшаб қолибди.

— Э, шоир (домла оғайнимни шоир деб атарди) ўхшатишни ҳам қойиллатиб қўясиз-да. Содиқжон, қаранг-а, дарахт қизил тўн кийганмиш.

— Шунинг учун шоирман-да, — деди сабоқдошим керилиб. — Домла, ҳали кўрасиз мен зўр шоир бўламан.

Шундай ҳазил-ҳузул гаплар билан айвондаги хонтахта атрофига ўтирдик. Бир пиёла чой устида бошланган гурунгимиз адабий жараёнга бориб тақалди.

— Кеча Фахриёрнинг янги шеърларини ўқиб қолдим, — деди домла қувониб. — Энди, азизларим, турли-туман шаклларда ёзилган бу шеърларда олам-олам маъно бор. Ўқиган сайин янгидан-янги маъноларни топаверасан. Назаримда, яхши шеър шундай бўлиши керак.

Сезиб турибман, домланинг ҳайрат аралаш гапирган сўзлари "катта шоир" бўлиш даъвосида юрган оғайнимга унчалик ҳам ёқавермайди. Шу боис, қитмирлик билан суҳбат мавзуини бошқа ёққа буришга уринади. Бироқ домла ҳам бўш келмайди — суҳбатни шу мавзуда давом эттиради. Менинг кўнглимда хавотир — кун ботиб улгурмасдан домла тезроқ битирув ишимни кўриб, муносабатини билдирса...

Хуллас, орадан чамаси бир соатта яқин вақт ўтгач, "қоралама"ни у кишига узатдим. Домла "ишни" олиб, нарироқда турган ёзув столига қўяр экан, "буни кейин, ҳозир суҳбатимиз яхши кетаяпти, қолганини ҳовлида давом эттирамиз", деб қолди. Сабоқдош оғайнимга қарадим — унинг парвойи фалак, домла билан шоирлар ва яхши шеърлар масаласида қанча бўлса баҳслашишга тайёр. Ўзимда ҳам айни пайтда баҳсга рағбат бордай.

Яна олдинма-кейин бўлиб ҳовлига чиқдик. Бир пайт домла нарироқда турган нарвонни кўтаришга уннай бошлади. Ёрдамга шошилгандик:

— Кўяверингизлар, ўзим... Ахир, сизлар меҳмонсизлар...

— Э, домла, айтинг, қаерга қўйиш керак?

— Бўлмаса, йигитлар, гап бундай. Суҳбатни том тепасида давом эттирамиз. Бу гилосга қанча шогирдларимнинг оғзи теккан. Сизлар ҳам татиб кўрингизлар. Айбга буюрмайсизлар, қўлда териб еганнинг гашти ўзгача...

Шоир дўстим менгзагандек, қизил тўн кийган дарахтлар атрофида гурунгимиз шу куни шомга қадар давом этди. Суҳбат давомида домла ҳайратга тўлибтошиб сўзлар, биз шогирдларга хос итоаткорлик билан гоҳ маъқуллаб, гоҳ ёшликка хос ўжарлик билан қарши фикрлар айтиб, "адабий гурунг"ни кўр олдириб турардик. Битирув малакавий ишимнинг муҳокамаси, тақдири эртанги кунга қолдирилиб, биз гилос тўлдирилган кичик елим халтачаларни қўлтиқлаганча ортга қайтдик.

Келишилганидек, эртаси куни битирув ишимни қўлга олдим. Уни варақлаб кўрар эканман, "қоралама"ларимнинг "лолазор"га айланганини кўриб, бизнинг ҳали домла даражасида фикрлашимизга анча борлигини ҳис қилдим...

Албатта, Умарали Норматовнинг адабиётшунослигимизга қўшган ҳиссаси ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бу алоҳида мавзу.

... Сабоқлар тугади. Дастлаб юксак орзу ва мақсадлар оғушида "еттинчи қаватда" юрган ўзбек филологияси факултетининг тўртинчи-бешинчи қаватида таҳсилни тугатгач, олий маълумотли эканлигимизни тасдиқловчи диплом билан биринчи қават орқали Миллий университетимиз эшигидан ҳаёт деб аталмиш улкан уммоннинг йўловчиларига айланиб, ўзимиз истаган Бахт манзили сари йўл олдик.

Чўққилар узоқдан яхши кўринади, дейишади. Бугун курсдошлар ўзаро учрашиб, суҳбатлашиб қолганимизда университетда кечган йилларимиз ва албатта, устоз домлаларимизни эслаймиз. Уларнинг ўзига хос жиҳатларини қайта кашф этиб, ширин хотиралар билан ёдга оламиз. Бу эътирофларимизда таниқли адабиётшунос олим, профессор Умарали Норматовнинг ҳам беқиёс ўрни бор.

Содиқ НОРБОЕВ

МИСР МАДАНИЯТИ ҲАФТАЛИГИ

Ўзбекистон Миллий либослар галереясида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Миср маданият маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон маданият ва санъат форуми жамғармаси ҳамкорлигида Миср маданияти ҳафталигининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ташкил этилган кўргазмада сизни фиръавнларга ўхшаб кийинган йигитлар, малика Клеопатрадек соҳибжамол қизлар табассум билан кутиб олишади. Суратларни, осори атиқаларни, ҳайкаллар ва остодонларнинг мўъжаз макетларини кўрганингизда гўё тарих жонланади.

Қадимги мисрликлар тасаввурида одам вафот этгандан кейин нариги дунёдаги ҳаётда ҳам яшайди. Фақат у яхши яшаши учун "ка" ҳақида ғамхўрлик қилиш зарур. "Ка" — кишининг руҳи, қиёфадошидир. Одам ўлади, лекин "ка" бу дунёда қолади. "Ка" марҳумнинг айнан ўзига ўхшатиб тошдан ёки ёғочдан ясалган ҳайкал ичигагина қулай жойлашади. "Ка"нинг сокин ва хилват яшаш манзили — даҳма. Уни одамлар безовта қилмаслиги зарур. Кимда ким даҳмани оёқости қилса, қарғиш уради.

Шундай қилиб ҳукмдор фиръавнлар тириклигидаёқ ўзларига эҳромлар, даҳмалар қурдиришган, сиймолари жонли ифодаланган ҳайкаллар ясаттиришган. Санъат яратилган.

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

Хеопс, Хефрен, Микерин эҳромлари ҳам фиръавнларнинг абадий ҳаётига ишора гўё. Уларнинг энг баланди Хеопс эҳроми. Меъмори Хемиун. Милоддан аввалги XXVII асрда қурилган. Уни юз минглаб қуллар 20 йил давомида тиклаган. Қадимги Мисрнинг ушбу буюк иншооти ўз ҳаётларини фидо этган номаълум қурувчиларга ёдгорлик сифатида асрлар давомида юксалиб турибди. Ушбу эҳромлар Миср маданиятининг рамзи сифатида дунёга машҳур.

Малика Нофрет ва шаҳзода Рахотепнинг ёнма-ён ўтирган ҳайкали худди жонли одамлардек таассурот қолдиради. Ҳайкалтарош Нофретни оппоқ мармардан ишлаган. Юз-кўзлари, сочлари, қомати ниҳоятда гўзал. Бошидаги тиллақоши, бўйнидаги зебигардонлари қимматбаҳо рангли тошлардан. Рахотеп буғдойранг. Бутун вужудида куч ва жасорат барқ уриб турибди. Иккисининг ҳам ўнг қўли кўксида. Узоқларга тикилиб, ниманидир қаттиқ ўйлаб, теран хаёлга чўмишган. Эҳтимол, халқига фаровонлик, бахт ва саодат тилашаётгандир...

"Миср асрлар оша" деб номланган мазкур кўргазмада мисрлик ҳаттот Юсрий Мамлук асарлари ҳам намойиш этилди.

Бадиий дастурда "Нил" фолклор гуруҳи, ўзбек санъаткорлари ва мисршунос талабалар куй-қўшиқлари ва рақслари билан иштирок этдилар.

Миср маданияти ҳафталиги давом этмоқда.

Рустам МУСУРМОН

Маданий ҳаёт

Ўзбекистон Амалий санъат музейида "Наврўзи олам нақшлари" номли кўргазма ташкил этилди. Урф-одат, анъана ва қадриятларни тиклашга доир ушбу кўргазма халқимиз меросини яна бир бор намоён этди.

М.КАРИМОВА

* * *

Нукус шаҳрида ёзувчи Амет Шомуродов ҳамда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ойимхон Шомуродов хотирасига бағишланган анжуман бўлди. О.Шомуродова уй-музейида ўтган адабий кечада Амет оғанинг машҳур асарлари тилга олиниб, саҳна булбули Ойимхон опанинг шогирдлари ҳамда Санъат институтининг Нукус филиали талабалари ижросида куй-қўшиқлар янгради.

Фотима АБДУРАИМОВА

* * *

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Она ватан манзаралари" кўргазмаси намойиш этилмоқда. Наврўзга бағишланган бу кўргазмада Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ҳамда рассомлик йўналишидаги лицей ва коллеж ўқувчиларининг юзга яқин ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

* * *

Тошкентдаги "Юзработ" болалар спорт мажмуасида спортнинг жит кун до тури бўйича "Соғлом авлод учун" кубоги мусобақаси ўтказилди. Шарқ яккакураши ва жанг санъати маркази ҳамда жит кун до федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақада Тошкент, Фарғона, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридан 120 га яқин ёш спортчилар баҳс олиб боришди.

* * *

Тошкентда "Буюк аждодларга муносиб авлод бўлайлик" мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Мирзо Улуғбек таваллудининг 616 йиллигига бағишланган бу тадбирда Улуғбек сингари буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиш, улар илмидан баҳрамандлик ҳар бир ёш учун юксак вазифа эканлиги таъкидланди.

"Туркистон-пресс"

Абдулла ШЕР

ТЎРҒАЙГА АЙЛАНИБ САЙРАГИМ КЕЛДИ

СОНЕТЛАР



* * *

Ногаҳон қўлингдан ушлаганим он
Бир сирли айланди дунё — ғилдирак.
Эплай олмай қолди томирни билак,
Қонимда нимадир кўтарди туғён.

Кўзимда ярқ этди янги бир жаҳон,
Нотаниш шамолдан силкинган терак
Сингари шилдираб куйлади юрак,
Қайгадир чекинди уфқ, тўрт томон.

Оҳиста белингдан қучдию қўлим,
Еттинчи осмонга тушди-да йўлим,
Икки лаб айланди битта бўсага,

Икки тил бойланди битта бўсага.
Шу кундан туташди йилингга йилим,
Севги луғатини ўрганди тилим.

* * *

Хиёбон кезарди у суриб хаёл,
Таваккал қилиб мен чиқдим йўлига.
Қўлимни узатиб момиқ қўлига:
«Кафтингни бер, — дедим, — кўриб кўяй фол.

Шошилма, бир зумга тўхта, гулжамол,
Сен деб айландим-ку, қара, лўлига,
Лўлилар сардори, сара лўлига!..» —
Кафтини тутдим-у, эгилдим хиёл.

У деди тортиниб, нозли қиқирлаб,
Қўлимда юракдек кафти питирлаб:
«Фолимни очган бор — бошқа бир «лўли».

Шу-шу фол очаман ўзимга, бироқ,
Уни олиб кетар фолимда ҳар чоқ
Кафтимга тушмаган тақдирнинг йўли.

* * *

Хотирот дарчаси очилди: ёшлик
Сочлари қўнғироқ — жарангдор яшар,
Гулга — ҳид, лолага ранглар улашар,
Кўзлар — чўғ, қалб — олов, боқиш тик, бош тик.

Тикилиб ўйлайман: не учун шошдик, —
Нечун улғаймоққа болалик шошар? —
Дарё бўлиш ҳисси қирғоқдан ошар, —
Ўзанни ингратар содда бебошлик.

Хотирот дарчаси ногоҳ зириллар,
Қайлардан келдинг сен, эй дайди шамол? —
Гуриллаб кетади оловли хаёл.

Қалбимда бир титраб, яна тирилар
Кўп йиллар овозин йўқотган савол:
Қайдасан тошқинда чўмилган аёл?

* * *

Шўх дарё бўйида икковлон жиммиз,
Сершовқин, шалдираб, оқиб ўтар сув,
Ненидир валдираб оқиб ўтар сув,
Оҳ, унинг тилини тушунмаймиз биз!

Дарё минг йиллардан қолган шошқин из, —
Ким учун ялтираб оқиб ўтар сув?
Ишқданми қалтираб оқиб ўтар сув?
Қўшилиб қалтирар, қарагин, ялпиз.

Қара, бу қалтираш бизга ҳам ўтар,
Навқирон йигиту қизга ҳам ўтар, —
Нимадир чиқмоқчи лаблардан тошиб.

Лабларни лабларга тутамиз шошиб,
Муқаддас оловга айланади тан:
Биз — дарё бўйида ёнган қўш гулхан.

* * *

Пешонангни ўпиб, ер қилар нидо —
Деб: «Гўзал оёқдан менга сўйлагин!»
Баданинг бамисли асов, чарс дарё,
Зир титраб чўмилар унда қўйлагинг.

Гирдингда айланар хуш бўй, шўх сабо,
Бир зумга тўхтадинг, нени ўйладинг?
Кўзларинг ғазал-ку, қошларинг наво,
Охир ёндирмасдан мени қўймадинг.

Мен қолдим, гўзалим, сенинг ёнингда
Гирдингда айланган сабога ўхшаб,
Хуснингга лол қолган дунёга ўхшаб.

Жонимни кўрдим мен сенинг жонингда,
Севмоқдан ўзга бир топмадим юмуш:
Мен сенга сўз бердим, сен менга — товуш.

* * *

Кулча юз сеҳргар, сен мунча соҳир? —
Лабимни босдиму кулгичларингга,
Умримни илдим мен илгичларингга,
Ишқ аро мунчалар экансан моҳир!

Зоҳиринг ботину, ботининг зоҳир,
Бағримни тилдирдим тилгичларингга,
Сўнг кириб кетдим мен ич-ичларингга
«Ёр!» деган бир сўзга айланиб охир.

Энг суюк сўзман мен тилингда, жоним,
Жонинг дилимда-ю, дилингда жоним,
Бизни ажратолмас ғаразу кинлар

Ва лекин бир савол қолмиш азалдан —
Ўртанган бир мисра кўҳна ғазалдан:
«Бахтли маҳлиёлларда нечун ажинлар?»

* * *

Мен нозик белингга қўл узатган чоқ
Беш панжа шаклини олди юрагим,
Тўрғайга айланиб, келди сайрагим,
Сўзлардан юз бурди титраган дудоқ.

Яқинлаб келгандек бўлди энг йироқ.
Кўҳи қоф томонда қолган эртагим,
Эркалаб дединг-у мени: "Тентагим!"
Ўн саккиз баҳорга тўлди бу қучоқ.

Бўсалар олдиму тикилдим ёниб,
Сўнг юмдим кўзимни лаззатдан бир дам —
Топдиму йўқотдим яна ўзимни.

Топширдим боримни сенга иноний,
Фақат олиб қолдим, умрбод, эркам,
Сени куйлаш учун чанқовузимни.

Наврўз илҳомлари

Ўргилай

Қуёш янглиғ қулиб келган Наврўзингдан ўргилай,
Ўсмаланган, сурмаланган қош-кўзингдан ўргилай,
Қизғалдоқдай қирмизланган оразингдан ўргилай,
Ҳалол топган ризқу рўзинг, нон-тузингдан ўргилай,
Азиз элим — жону дилим, сўз-созингдан ўргилай,
Илдизингдан, юлдузингдан, кундузингдан ўргилай.

Япроқларинг дилга боссам, яйраб кеттайдир жоним,
Тупроқларинг кўзга сурсам, яшнаб кеттай жаҳоним,
Чорбоғларинг кезиб юрсам, сайраб кеттай забоним,
Сен — шавкатим, сен — давлатим, сенсан безавол шоним,
Азиз элим, қиш-баҳоринг, ёз-кузингдан ўргилай,
Илдингиздан, юлдузингдан, кундузингдан ўргилай.

Юрагимга расминг солдим қуёшга монанд қилиб,
Меҳру сеҳринг, саховатинг жисмимга пайванд қилиб,
Ҳаётимга, баётимга асал ҳамда қанд қилиб,
Бухоройи шариф қилиб, сайқал Самарқанд қилиб,
Азиз элим, ҳар йигиту ҳар қизингдан ўргилай,
Илдингиздан, юлдузингдан, кундузингдан ўргилай.

Сибизғанинг савтларида сени хандон кўраман,
Бахшиларнинг байтларида бағринг осмон кўраман,
Юлдузлар башоратида бахтинг омон кўраман,
Истиқбол ишоратида йўлинг равон кўраман,
Азиз элим, овозингдан, баёзингдан ўргилай,
Илдизингдан, юлдузингдан, кундузингдан ўргилай.

Тошпўлат АҲМАД

БАҒИШЛОВ

Бу юртнинг баҳорига
Бахшида байтим бугун,
Дов-дарахтга қўшилиб
Ўзимга қайтдим бугун,
Негадир ёдга тушди
Болалик пайтим бугун,
Кўнглим сўрар кўзимдан: —
"Ажабо, қай кун бугун?!"
Наврўзи олам келди,
Ўланлар айтинг бугун!

Қорайган новдаларга
Бир кундаёқ сеп берган,
Еру осмонга қўшиб
Дилларга-да зеб берган,
Қартайган қалбларга ҳам
Яшаришга эрк берган,
Ошиқларга кўнгилу
Маъшуқларга кўрк берган,
Наврўзи олам келди,
Ўланлар айтинг бугун!

Ерданми ё фалакдан
Турфа атир анқиди,
Болари гулга кўниб,
Оёқларин "чанг" қилди,
Ёмғир камалак — камон
Етти ажиб ранг қилди.
Бир лаҳзада Кўкламой —
Қиш ҳолини танг қилди,
Наврўзи олам келди,
Ўланлар айтинг бугун!

Тўрт томоним — чаманзор,
Тўрт томоним — мўъжиза,
Ҳар бир чечак чайқалиб,
Бонг уради ўзича,
Ҳаёт энди бошланар
Янги — нав, кун — рўзича,
Ўзбекистонда Наврўз,
Ўланлар айтинг бугун!

Ориф ТЎХТАШ

Хуршид НУРИЛЛАЕВ

Эрка қизга ўхшайди баҳор

АДИР

Оқ кўйлаги идраб тўкиларкан тоғ
Оҳиста кияди яшил либосин.
Чўққилар бошида қишдан қолган доғ,
Ўзгармас, пайқамас баҳор имосин.

Бойчечак — кўкламга чақирувнома,
Жилғалар — сув бўлиб югурган севинч.
Совуқ ел аёздан қолган ёднома,
Туманлар жарликда намиққан, нотинч.

Кўкда жой талашар асов булутлар,
Бақирар чидолмай момақалдироқ.
Ҳайратдан тош қотар гурзибош тутлар,
Толларнинг шохига киради титроқ.

Осмоннинг тугаган бардоши — ёмғир
Ютоққан адирнинг босар чанқоғин.
Жилғалар шошганча, яширгандек сир,
Сув билан ёпади ёзги қирғоғин.

Ёзилган сурпадек ёлғизоёқ йўл,
Қўлмаклар бетартиб сочилган патир.
Чўққилар сафдаги аскардек қорғул,
Отадек хотиржам ёнбошлар адир.

Шаддод қизлар ялпизлар излаб,
Адирларни қиларлар ўтоқ.
Шабнамларни симирмоқ истаб,
Тамшаниб, лаб очади бутоқ.

Эрта келган қалдирғоч — ромчи,
Пастлаб учар, янгилик кутиб.
Булутнинг кўз ёриши — томчи,
Наъра тортар тўлғоғи тутиб.

Қор, ёмғирлар ювган, бокира,
Туман аро боқаркан маъсум,
Шўхликлари ярашар бирам,
Эрка қизга ўхшар бу мавсум.

Баъзан қалбим ўртайди сўроқ,
Яхшиликда не синоат бор?
Барча фасл қадрли, бироқ,
Ўзгачадир барибир баҳор.

Қаранг, атроф кундан-кун шинам,
Кўкламнинг хуш атридан мастман.
Ёзга, кузга, қишга йўқ гинам,
Узр, бироз баҳорпарастман.

ИҚРОР

Тоққа борган овчи орқали
Юборибди бойчечак хабар, —
Якун топиб қишнинг қамали,
Баҳор юртга бўлмиш сафарбар.

Булут тортар юзига қуёш,
Гўё хуснин яширган малак.
Товус патин ёйганча қиёс
Кўк тоқида ёнган камалак.

ҚУТЛОВ

Қуёшга яқинлик бахти бор қирда,
Мезбондек баҳорга чиқар рўбарў.
Оҳори тўкилган қорли чодирдан
Бошини чиқарар бойчечак сулув.

Илк бора гул кўриб феъли қўрс шамол
Ўспирин ошиқдек бўлади гаранг.
Жарга қулашидан қўрқиб, эҳтимол,
Бир туп наматакка тирмашар харсанг.

НАШИДА

Ўшанда ҳам навбаҳор эди —
Борлиқ зангор, дунё навқирон.
Кўртакларга гапим бор эди,
Юрак тилга кирганда бийрон.

Яна ўрик навдаси сарҳуш,
Гулоб тутар нимпушти, оппоқ.
Кеча эди эгнида кумуш,
Бугун зумрад тўн киймиш чорбоғ.

Бутоқлардан мўралар умид,
Камол ваъда этар ғунчалар.
Нимагадир бўлгандай шоҳид,
Шаббода бир соҳир куй чалар.

Сочларини сувга таратиб,
Ўлтирибди мажнунтол — шайдо.
Ўз-ўзидан чирой яратиб,
Борган сари табиат зебо.

Кўкда рангин ҳислар жамулжам,
Жилвасидан қамашади кўз.
Қирлардаги сўнги қорни ҳам,
Меҳр билан эритди Наврўз.

Беҳзод ФАЗЛИДДИН

ИНСОННИ АНГЛАШ — АСОСИЙ МЕЗОН

Ёзувчи Назар ЭШОНҚУЛ билан суҳбат



— Назар ака, адабиётимизнинг, бадиий сўзнинг аҳамияти бугунги кунда, сизнингча, нима билан белгиланади?

— Маълумки, адабиётнинг азалий мавзуси инсон. Яъни, замон ва унинг муаммолари билан юзма-юз турган, уларни ўзгартираётган, янги ҳаёт асосини яратаётган шахс, халқ. Шунинг учун инсонни, халқни замон билан тенгма-тенг муносабатга киришган, давр руҳи билан яшаётган ҳолатда тасвирлаш муҳим. Бинобарин, замонавий қаҳрамон миллатнинг, халқнинг яратувчилик қудратини, қиёфасини, фазилатларини, шаъну шарафини ўзида мужассам этган қаҳрамондир. Албатта, адабиётни мавзу билан бирга, истеъдод, маҳорат ва бадиият белгилайди.

Шу маънода, бугунги кунда адабиётнинг таъсири ва аҳамияти аввало ҳаётимиздаги улкан ўзгаришларни энг долзарб мавзулар асосида юксак бадиий маҳорат билан акс эттириш ва шу орқали халқимиз маънавиятини бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан белгиланади.

— Адабиётшунослар ўртасида модернизм оқимига нисбатан икки хил муносабатни кўрамиз: бир гуруҳ мутахассислар модернизмни адабиёт ва бошқа вербал санъатлар учун янги оқим сифатида баҳолаётган бўлсалар, иккинчи томондан эса "Модернизм — инсониятнинг маънавий инқирози маҳсули", деб инкор этилаяпти. Уларнинг айтишича, модернчилар чекилган сигаретанинг кулини оқ матога босиб: "Мана шу ҳам модернизм", деб даъво қилишлари ҳеч гап эмас, эмиш...

— Мен бу баҳсда оқловчилик ҳам, қораловчилик ҳам қилишдан узоқман. Аммо мен "модернизмни инсониятнинг маънавий инқирози" сифатида баҳолаётганларнинг эътирозларини ўқиганимда бир воқеа ёдимга тушади: 70-йиллар боши эди. Қишлоғимиздаги мактаб директорининг уйида телевизор пайдо бўлганда оми одамлар "бу шайтоннинг кўзгуси, агар кимки уни томоша қилса, иблиснинг измига тушиб қолади", деб қўрқитишганди. Бугун эса ўша омилар ҳам телевизорсиз ҳаётларини тасаввур қилишолмайди. Илгари ҳам қайсидир суҳбатда айтгандим: "Модернизм — оладўжи эмас!" У санъатда инсон руҳиятини чуқурроқ акс эттириш учун янги метафора, янги шакл топишга уринаётган оқим. Пруст, Кафка, Жойс, Беккет, Музил, Аполлионер ва ҳоказолар чин модернистлар эди. Бу номларсиз XX аср адабиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Улар маънавий инқирозни эмас, инсон истиробини, инсон зотига шафқатни, инсон муҳаббатинию матонатини янги шакл ва ифодаларда тасвирлашган. Сигарета қолдиғини оқ матога босганча, мана шу ҳам "модернизм" дейишса, мен бундан сира ажабланмайман. Агар ана шу оқ матога босилган сигарет қолдиғи инсон руҳиятини, унинг ҳаётини илкис, янги образи, метафораси сифатида маҳоратли талқин қилса, нега у модернизм бўлмас экан? Бундай пайтда мен айбни модернизмдан эмас, ўзимнинг танбал ақлиму ноқис дидимдан қидирган бўлардим...

Бошқа томондан қарайдиган бўлсак, модернистлик қиламан деб, лабларига папирос қўндириб, босишга мато излаб юрган, ўзини ошкора тарзда "модернистман" деб атаётганларни кўриб, энсам қотади. Бунақа иддао қилаётганлар модернист эмас, улар шунчаки адабий олифталар. Модернизм иддао эмас, у истеъдодни ифода этиш усули, адабиётни, адабий қарашни янгилаш маҳоратидир.

— Адабиётга янгича нафас ва фикр билан кириб келаётган ёш ижодкорлардан кимларни эътироф этган бўлардингиз?

— Ўтган йили Баҳодир Абдуомилар ҳам телевизорсиз ҳаётларини тасаввур қилишолмайди. Илгари ҳам қайсидир суҳбатда айтгандим: "Модернизм — оладўжи эмас!" У санъатда инсон руҳиятини чуқурроқ акс эттириш учун янги метафора, янги шакл топишга уринаётган оқим. Пруст, Кафка, Жойс, Беккет, Музил, Аполлионер ва ҳоказолар чин модернистлар эди. Бу номларсиз XX аср адабиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Улар маънавий инқирозни эмас, инсон истиробини, инсон зотига шафқатни, инсон муҳаббатинию матонатини янги шакл ва ифодаларда тасвирлашган. Сигарета қолдиғини оқ матога босганча, мана шу ҳам "модернизм" дейишса, мен бундан сира ажабланмайман. Агар ана шу оқ матога босилган сигарет қолдиғи инсон руҳиятини, унинг ҳаётини илкис, янги образи, метафораси сифатида маҳоратли талқин қилса, нега у модернизм бўлмас экан? Бундай пайтда мен айбни модернизмдан эмас, ўзимнинг танраззоқнинг "Ёшлик" журналида иккита ҳикоясини ўқидим. "Бир тун эртаги" ва "Қирон" асари нималарнидир ваъда қилади. Муҳими воқелик яхлит, жумлалар пишиқ, тасвирлар ойдин. Поэтик жиҳатдан кучли замин, дард, нигоҳ билинади. Баҳодирнинг бу икки ҳикоясини ёшлар ҳикоячилиги эмас, умуман, ҳикоячилигимиз ютуғи сифатида бемалол эътироф этиш мумкин.

Ижодкор ҳузурида

Яна Умид Ёқубнинг "Тўлқинлар унутган тош" деб номланган қиссасини қўлёзма ҳолатда ўқидим. Бу асар кўп жиҳатдан янги авлод асари дейишга имкон беради. Эҳтимол, бу асар XXI аср адабиётининг дастлабки намунасидир? Умиднинг асари менга насрга, тилга, жумлага, образ яратишга, воқеликка янгича қараш бўлиб туюлди.

Умуман, ёшлар насрида яхши анъаналар шаклланаяпти. Аммо ёшларнинг энг катта нуқсони — улар дадил эмас.

— 2008 йилда "Ялпиз ҳиди" деб номланган китобингиз чиқди. Унда китобхонни инсон руҳиятининг сўқмоқларига олиб кириб кетадиган қаҳрамонларни кўраман. Бу жиҳат сизнинг ўзига хос услубингизни яққол акс эттиради. Шу китоб ва унга киритилган асарлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак...

— "Ялпиз ҳиди" тўплами ўтган асрнинг 80-йиллар охири ва 90-йилларида ёзилган қисса ва ҳикоялардан иборат. Асли мен бу китобни ва бошқа асарларни қўшиб, "Мен", "Сен", "У" деган уч китоб қиламан, деб юргандим. Бу китобларда "мен" тилидан ҳикоя қилингани "Мен", "сен" тилидан ёзилгани "Сен", "у"нинг тилидан айтилганини "У" китобига жамлаш ниятим бор эди. Аммо ноширлик ҳам ўзига хос маҳорат, чоғи, бу таклиф нашриётга маъқул тушмади. Лекин ҳали ҳам бу мақсаддан воз кечганим йўқ.

Гарчи "Ялпиз ҳиди"да ҳикояларнинг жойлашуви, дизайн жиҳатдан кўнглим тўлмаган айрим ўринлар бўлса-да, бу китоб ижодим ҳақида тасаввур уйғотади, деб ўйлайман.

— Айнан шу нашрда босилган қиссангизда бир фикрни тушунгандек бўлдим, инсоннинг барча хатти-ҳаракатлари, ҳатто туғилишининг ўзи ҳам сирли ҳодиса.

— Бу асар инсоннинг покланишти ҳақида. Мен уни шундай орзу ва мақсад билан ёзганман. Бироқ бу саволга жавоб борми? ...Ўйлашимча, агар жами одамзод шу саволга жавоб излаш жараёнида яхлитлашса, нажот йўли топилади. "Қора китоб"даги фожиа якка шахс фожиаси эмас, у инсоният фожиаси. Шу сабабли асар сўнгида қаҳрамон: "...Иблис билан бир тўшакда ухлаб ётган ушбу дунёни ларзага солиб, масту мустар ҳайқираман. Майли, менинг ҳайқириғим дунёнинг адашган сўнгги ҳайқириғи бўлиб қолсин", дейди.

— "Оғриқ лаззати" ҳикоянгизда Ғарб ёзувчиларининг таъсири сезилади.

— Бу ҳикояни аниқ қилиб "фалон асар, фалон ёзувчи таъсирида ёзилган" деб айтолмайман. Умуман олганда, мен ҳамиша асарларини ўқишга эҳтиёж сезадиган, қайта-қайта ўқийдиган адибларнинг ҳаммаси ҳам таъсир қилган бўлиши мумкин. Булар — Онетти, Кафка, Кортасар, Камю, Акутагава, Эдгар По, Фолкнер, С. Беккет, Ф. Аттор, "101 дзен ҳикмати", Антонио Поркянинг "Товушлар" тўплами, мен яхши кўрган ўнлаб япон адиблари ҳикоялари... Аммо бу ҳикоянинг метафораси хаёлимга тўсатдан келган, кейин мен уни тарашлаб, ҳозирги шаклга солдим (ўнлаб вариантдан кейин "мен" тилидан ҳикоя қилинган, шу шакл менга маъқулдай туюлди). Аслида уни бошқачароқ ёзиш мумкин эди. Чунончи дастлабки вариантда, ўша юрагини суғуриб кўрсатган қаҳрамон (Горькийнинг Данькоси каби) тилидан ҳикоя қилинади. Аммо бу шакл мени қониқтирмади. Агар қаҳрамон тилидан ҳикоя қилинса, оломон кайфияти тўла акс этмасди. Менга эса ўз лаззати, завқи учун ижодкорни ўлимга ҳам маҳкум қилиш даражасидаги оломон манзараси керак эди. Ижодкор ўзининг беадад оғриқлари, дардлари, изтироблари эвазига ўз санъатини намойиш қилади, китобхон эса санъаткордан аёвсиз равишда яна ҳам кўпроқ оғриқ, дард акс этган санъат усулини талаб қилади. Охири у ўз юрагини суғуриб, фавқулодда санъатини намойиш қилади. Ижодкор қанча эзилса, қанча дард чекса, оломон шунча завқланиб, уни олқишлайди, унинг санъати маҳсулини шунча улуғлашади. Улар учун бу шунчаки бир томоша! Машҳур сатрни эсланг: "Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига Қандай чидай олди экан одамзот?!" Аслида ҳам бизга завқ бераётган санъат асари ижодкорнинг оғриқлари эвазига яралган.

— Назар ака, шу кунгача ёзган асарларингиз кўнглингизга таскин берадими?

— Йўқ. Ҳафсала қилса бўладиганлари бор. Аммо мен ҳали ўзим ўйлаган асарни энди ёзаман деб ўйлайман. Шу пайтгача ёзганларимдаги хато, нуқсонларни энди яққолроқ сезяпман. Мен бошқача ёзишга уриняпман. Оддий отахоннинг пешонасидаги оддий ажинда ҳам, чўпоннинг тутилавериб, йиллар ўз асоратини қолдириб силлиқлаган таёғининг ҳар бир ёриғида ҳам катта романларни тўлдирадиган дард-изтироб, ҳаёт, поэтика борлигини кўряпман.

Шоҳсанам ХИДИРОВА суҳбатлашди

«КАМОЛ ЭТ КАСБКИМ...»

Камол эт касбким олам ўйидин
Сенга фарз ўлмагай ҳамнюк чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Алишер Навоийнинг ушбу қитъасида «Камол эт касбким» ибораси, айнан «камол» ва «касб» сўзлари бир неча мазмун касб этади. Камолатни касб этмоқ ёки касбни камолот этмоқ. Ҳар икки мазмун ҳам инсоннинг жамиятга, одамларга фойдаси тегадиган фаолият юритишига қаратилган. Адабиётимиз тарихида касб-ҳунар, илм эгаллашни, баркамол бўлишни тарғиб этувчи асарлар кўп. Бироқ «Камол эт касбким» қитъаси айнан «Баркамол авлод йили» учун ёзилгандек гўё.

Демак, Навоий бобомиз тили билан айтганда ёшларимизнинг камолотни касб айлашлари бугун ва келажак учун зарур. Мана шу улуғ мақсадни амалга ошириш мақсадида мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кўплаб касб-ҳунар коллежлари бунёд этилган. Ёшларнинг юксак савияда таълим ва тарбия олишлари учун мазкур касб-ҳунар коллежлари барча зарур шароитлар яратилган ҳолда муҳташам қилиб қурилган. Улар ҳозирги замон жаҳон андозаларига мос илмий-методик қўлланмалар ва компьютерлар билан жиҳозланган.

Қарши туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ҳам ана шундай илм ва ҳунар даргоҳларидан биридир. Ҳозир ўқув юртида саккиз мутахассислик бўйича 700 дан ортиқ талаба молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, ЭҲМ ва компьютер тармоқларини ўрнатиш ва бошқариш, маиший машиналарга техник хизмат кўрсатиш, ветеринария, умумий овқатланиш корхоналарида кичик технолог, тикувчилик, банк иши каби йўналишларда таълим-тарбия олмоқда. Ёшларга юқори малакали муҳандис-педагоглар ва ишлаб чиқариш таълими усталари касб-ҳунар ўргатмоқдалар. Билим юртида Шилви, Акиш, Сарой, Пахтаобод, Файзобод, Жалажин, Қозоқ қишлоқларидан келган ёшлар ҳам таълим олишмоқда.

«Коллежда шаҳарлик болалар ҳам ўқишади. Улар ҳам ўз болаларимиз қатори илм олиб, ҳунар ўрганишаяпти, қишлоқни обод қилишга ҳиссаларини қўшишяпти, — дейди коллеж директори Ш. Одилов. — Меҳнат тарбияси эса ёшларни чиниқтиради, уларнинг қалбида эзгу амалларга рағбат уйғотади.».

Коллеждаги маънавият ва маърифат маркази, «Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўрганиш» маркази, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» тўгараги фаолияти ҳам диққатга сазовор. Бундан ташқари, коллежда ўн саккизта фан ва спорт тўгаракларида мунтазам ишлаб турибди.

Ёш авлод маънавиятини юксалтиришда, улар дунёқарашини эзгулик ва нафосат тамойиллари асосида шакллантиришда бадиий адабиётнинг аҳамияти катта. Камолот сари йўл аввало олам ва одамни англашдан, юракда она юртга, Ватанга муҳаббат туйғуларини қарор топтиришдан бошланади. Бадиий асарлар ёшларнинг бу борадаги эҳтиёжларини қондиради. Коллежда ташкил этилган «Воҳамиз ижодкорлари» музейи талабаларнинг адабиётга бўлган қизиқишларини ошириш учун хизмат қилмоқда. Ҳозирги замон адабиёти намояндалари бўлган шоир-ёзувчилар, журналистларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган муҳим манбалар, китоблар ва турли экспонатлар музей фондини ташкил этади. Экспонатлар орасида мўйқалам усталари яратган суратлар ҳам бор. Адабиёт музейи қошида «Ёш ижодкор талаба» тўгараги машғулотлари ўтказилади.

Таниқли шоир-ёзувчилар иштирокидаги мушоиралар, давра суҳбатлари, адабиёт сабоқлари ёшларни бадиий ижод сирлари билан яқиндан таништиришмоқда.

Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига чуқур сингдиришда халқимизнинг боқий қадриятларини тарғиб этиш муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шу мақсадда коллежда аждодларимиз меросини, урф-одатларимиз, қадриятларимизни ўрганиш учун халқ оғзаки ижоди бўйича кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Коллеж қошидаги «Қадрият чашмалари» фолклор дастаси фақат талабаларга эмас, балки Дашт қишлоғи ва теварак-атрофдаги қишлоқлар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда касб ва камолотни бир-бирига чамбарчас боғлаб ёшларга таълим ва тарбия бераётган бундай касб-ҳунар коллежлари бисёр. Уларнинг фаолиятига муваффақият тилаймиз.

М. РАВШАН

Мулланафас таваллудининг 200 йиллиги

ЭПИК ТАФАККУР МАҲСУЛИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Достоннинг сюжети кўп қатламли эпик тафаккур маҳсули бўлиб, унинг архаик қатлами мифологик тасаввурлар асосида келиб чиққан. Жумладан, қаҳрамонларнинг ҳомий-руҳлар мадади ёки аждодлар культи воситасида ғайриоддий туғилиши мотивининг замирида манистик мифология анъаналари ўз аксини топган. Бу мотив Ўрта Осиё халқлари эпосининг анъанавий сюжет элементларидан бири бўлиб, масалан, «Ошиқ Маҳмуд» номли ўзбек халқ достонида фарзанд доғида куйган Ганжа Қорахон Шоҳимардон пирнинг мозорида тунаганида тушига кирган бир оқ соқолли чол ўғил ато қилингани ҳақида хабар беради.

«Зуҳра-Тоҳир» достонида ҳам бефарзандликдан азият чекиб юрган Бобохон шоҳ билан Боҳир вазир тунаб қолган қабристон «қадимдан қолган бир мозор», деб таърифланиши ҳам унинг қадим аждодлар ҳомийлигига тааллуқлилигини англатади. Достонда мозорда тунаган подшо билан вазирнинг тушида қучоғига чақалоқ ташлаб кетилиши эса ҳомий-аждодлар мададига ишониш билан боғлиқ мифларнинг эпик мотив сифатида ишланган кўринишидир.

Тоҳирнинг сандиққа солиб сувга оқизилиши мазкур достоннинг барча версиялари учун муштарак мотив ҳисобланади. Бу ўринда «сув» — «ўзга олам»га олиб борадиган йўл тимсоли бўлиб, Тоҳирнинг сувга оқизилиши қаҳрамоннинг «ўзга олам»га сафарини англатади. Сувда оқиб бораётган сандиқни қушлар илиб олиб, дарахт тепасидаги уясига олиб чиқиши эса қадимги туркийларнинг «ҳаёт дарахти» ҳақидаги мифологик тасаввурлари асосида келиб чиққан эпик мотивдир. Чунки архаик мифология талқинича, «ҳаёт дарахти»нинг учида қуш қўниб турган бўлса (яъни қуш тимсоли «ҳаёт дарахти»нинг тепа қисми юқори олам – Кўк билан боғлиқлигини билдиради), «оби ҳаёт» сувидан баҳра олади («ҳаёт дарахти»нинг қуйи қисми сув, ер ости олами, яъни «зулмат дунёси» билан боғлиқ).

Таъкидлаш жоизки, Тоҳирнинг сандиққа солиб, дарёга оқизиб юборилиши билан алоқадор воқеалар достоннинг ҳар бир миллий версиясида ўзига хос тарзда тасвирланган. Масалан, достоннинг Раҳматулла Юсуф ўғли ижро этган ўзбек версиясида сандиққа солинган Тоҳирнинг сув бетида оқиб бориши ҳолатини тасвирлашда «сув келар тараптарам», «сув келар гумбур-гумбур», «сув келар паға-паға», «сув келади бир талай» каби «сув» поэтик образи ифода этилган мисралар билан бошланадиган шеърий бандлардан самарали фойдаланилган.

Мулланафаснинг «Зуҳра-Тоҳир» достонида эса, сандиққа солиб сувга ташланган эпик қаҳрамоннинг «оби одамлар», яъни «сув одамлари»га дуч келиши лавҳаси мавжуд бўлиб, бу мотив асарнинг бошқа версияларида учрамайди. Достонда тасвирланишича, сандиқ ичидаги Тоҳир сувда оқиб бораётганида бир пайт одамларнинг кулишаётганини эшитиб қолади. «Бу ерда сув одамлари бор эрди. Сув одамлари саҳройи одамлардан кўп қўрқар эрди. Шунинг учун улар «Одам иси келяпти!», деб қаттиқ қичқириша бошладилар ва саслари етгулик ердаги қавмдошларини чақириб, кўп сонли лашкар йиғиб, бир муддат ичида уч юз минг қўшин жамладилар. Сўнгра теварак-атрофга қоровул қўйиб, «Бу одам бизнинг бир тарафимиздан чиқиб қолар, шунда у билан уришамиз», деб тайёр бўлиб турдилар. Шу вақт сув сандиқни қирғоққа суриб чиқарди. Аммо улар «Бало шу сандиқнинг ичида!» деб, ҳар қайси бир томонга қараб қочдилар».

Маълумки, Ўрта Осиё туркий халқлари мифологиясида «сув одамлари» ёки сув ичида яшайди, деб тасаввур қилинган «оби одамлар» тўғрисидаги эътиқодий қарашлар кенг тарқалган. Ўзбек фолклоридаги «Қора дев», «Оймомада аждаҳо», «Кулса — гул, йиғласа — дур» эртакларида, шунингдек, «Юсуф ва Аҳмад», «Малика айёр» достонларида «одамоби» (ёки «одами оби») образи тасвирланган. 1960 йилда фолклоршунос олим Т.Ашуров сувда яшайдиган афсонавий одам тўғрисидаги «Одами оби» номли эртакни ёзиб олган.

Сув ҳавзаларини ўзига макон қилган мифологик мавжудотлар тўғрисидаги афсоналар туркманларга ҳам маълум бўлган. Ўтган асрнинг 70-йилларида Мари шаҳри яқинидаги археологик обидалардан бирида қазилма ишлари олиб борган таниқли олим М.Е.Массон марилик туркманлар орасида Мурғоб дарёсида истиқомат қилувчи «одами оби»лар ҳақидаги мифик тасаввурларни ёзиб олган эди. Афсоналарга кўра, «одами оби» ёки «дарйо оби» деб аталувчи бу ғайриоддий мавжудотлар ҳамиша сув остида яшашар, қуруқликка деярли чиқишмас эмиш. Улар ҳамиша одамлар кўзидан яшириниб юришар, фақат дам олиш учунгина вақт-вақти билан кимсасиз жойларга чиқишаркан. Мариликларнинг тасаввурига кўра, сувда яшаганлиги сабабли хом балиқ ва сув ўтлари билан озиқланишаркан.

Тоҳир ва Зуҳранинг соф муҳаббати ҳақидаги достоннинг ўзига хос намунасини яратган улуғ туркман шоири Мулланафас Қодирберди ўғли «тўхтамиш» уруғига мансуб Мари туркманларидан бўлгани боис, шу ҳудудда тарқалган қадимги мифологик тасаввурлар ва афсоналарни яхши билган. Бинобарин, ўзининг «Зуҳра-Тоҳир» достонини ёзаётганида ҳам марилик туркманлар фолклоридан самарали фойдаланган шоир «сув одамлари» образи билан боғлиқ лавҳани достонга олиб кириш орқали ижодий индивидуалликни намойиш этган.

Достоннинг бошқа туркий версияларида бўлгани сингари, Мулланафас асарида ҳам Зуҳра ва Тоҳирнинг қабридан ўсимлик (дарахт) ўсиб чиқади. Одамнинг дарахт ёки ўсимликдан пайдо бўлгани ҳақидаги антропонимик миф ҳамда «ўлиб-тирилувчи маъбудлар» ҳақидаги мифологик қарашлар таъсирида шаклланган бу эпик мотив ҳам асар сюжетининг қадимий элементлари сирасига киради. Одамнинг вужудга келиши тўғрисидаги мифлардан бирида айтилишича, Гайа Мартан жон берар экан, чап томонга ёнбошлаб ётган ва шунда унинг уруғи ерга тўкилган. Бу уруғларни офтоб поклаган, Нерпосанг билан Спендармаз эса узоқ йиллар давомида авайлаб асраганлар. Орадан қирқ йил ўтгач, иккита ўсимлик қўкариб чиқиб, бир-бирига чирмашиб ўса бошлаган. Сўнгра бу ўсимликлар одам сувратига эниб, аёл билан эркакка айланган. Шу тариқа ер юзида инсоният пайдо бўлган. "Зуҳра-Тоҳир" достонида шундай эпизод «Авесто» мифологиясида илк одам — Гавомард тўғрисидаги асотирий қарашлар билан боғлиқдир. Чунки Ўрта Осиё халқларининг қадимги мифологиясига кўра, одамнинг жони ёки жонларидан биттаси дарахтда мавжуд бўлади. Шунга кўра, Тоҳир билан Зуҳранинг қабридан оқ ва қизил гул (ёки дарахтлар) ўсиб чиқиши киши ўлгач, унинг руҳи бошқа нарсага кўчишини англатади.

Достоннинг бошқа туркий халқлардаги версияларидан фарқланиб турадиган ўзига хос жиҳатларидан энг асосийси, Мулланафас томонидан ёзилган бу асарда воқеалар ривожи эзгу ҳомийларнинг ёрдамида ошиқ-маъшуқларнинг тирилиши ва бахтли ҳаёт кечириши тасвири билан якунланишидир. Шоир талқинича, Исо алайҳиссалом билан ҳазрати Хизр Зуҳра ва Тоҳирнинг қабри ёнига келиб, «Эй болаларим, бугун сизларнинг тўйингиз, туринглар!», деб кўздан ғойиб бўлишгач, Зуҳра билан Тоҳир тирилади.

Бундай тугалланма мазкур эпик сюжетнинг бошқа миллий версияларида учрамайди. Фақат Мулланафаснинг достонига манба бўлган туркман халқ эртакларидан бири — ёзувчи Ота Говшутов томонидан таниқли эртакчи Ўғул-герек эжадан ёзиб олинган намунада қаҳрамонларнинг ўлимдан кейинги бахтли ҳаёти, ҳатто ўғил фарзанд кўришгани ҳақида ҳикоя қилинган. Эртакда тасвирланишича, севишганлар дафн этилгач, Тоҳир билан Зуҳранинг мозоридан икки чинор кўкариб чиқади ва кўкка бўй чўзган бу чинорларнинг шохлари чирмашиб кетади. Қоработирнинг қабридан ўсиб чиққан «қизғон» (тикан) эса чинорларнинг япроқларига тиканакларини санчиб, уларни бир-биридан ажратишга уринади. Шунда шоҳ қабрларни очиб кўришни буюради. Қоработирнинг қабрини очишса, унинг ичи сон-саноқсиз илон-чаёнларга тўла эмиш. Зуҳранинг мозорини очганда эса катта сўлим чаманзор ва унинг ўртасида оқ ўтов турганини кўрадилар. Аммо ўтовнинг бўмбўшлигини кўрган одамлар Тоҳирнинг қабрини очадилар. Бу мозорнинг ичи ҳам гулзор бўлиб, унинг тўридаги оқ ўтов ичида Зуҳра билан дутор чалиб ўтирган Тоҳирни кўрадилар. Уларнинг ёнида эса етти яшар ўғил бола ўйнаб юрган эмиш.

Сюжетнинг бундай тугалланма билан якунланиши эпик қаҳрамонларнинг тақдири ана шундай саодатли лавҳа билан якун топишини истаган халқнинг идеалига мос келиши билан характерланади. Туркман фолклори анъаналарини яхши билган, қолаверса, достон ва қиссалар орқали қардош туркий халқлар эпик ижодиётидан яхшигина хабардор бўлган Мулланафас асар композицион қурилмасига қаҳрамонларнинг «қайта тирилиши» мотивини олиб кириш орқали қадимий сюжетни янада мукаммаллаштиришга эришган.

Бинобарин, асар сўнггида эпик қаҳрамонларнинг тирилиши туркий халқлар достонларининг анъанавий мотивларидан бири ҳисобланади. «Қўзи Кўрпеч ва Баян сулув» достонининг бошқирд версиясида Баян (МаянҺылыу) йиғлаб ўтирганида яшил ҳасса ушлаган, оқ кийимли, оппоқ соқолли бир чол пайдо бўлиб, йигитни уч кунга тирилтиради. Қаҳрамонларнинг ўлиб-тирилиши мотиви мазкур эпоснинг қозоқ ва олтой версияларида ҳам мавжуд. Ўзбек фолклоридаги «ошиқ» туркумига мансуб достонлардан бири — «Гулшоҳ ва Варқа»да ҳам қаҳрамонларнинг тирилиши лавҳаси учрайди. Нуротанинг Қоракиса қишлоғида яшаган Раҳматулла Юсуф ўғли куйлаган бу достонда «Хизр мисол чол» ўзининг ҳассаси билан турганида қаҳрамонларнинг тирилиши лавҳаси шундай тасвирланади:

«Шайдулло», деб етди биров мастона,
Қўлида ҳассаси, бошида кулоҳ,
Уйга кирди Хизр мисол девона,
Ҳассасиман ўликларни бир урди,
Гулшоҳ билан Варқа чучкириб турди.

Раҳматулла Юсуф ўғли талқинидаги «Хизр мисол девона» тимсоли билан Мулланафаснинг «Зуҳра-Тоҳир» достонидаги Хизр образи муштарак персонажлар ҳисобланади. Фикримизча, туркий халқлар эпосидаги қаҳрамонларнинг ҳомий кучлар ёрдамида тирилиши мотиви аждодларимизнинг ўлгандан кейин ғайриоддий равишда қайта тирилувчи тангрилар культи билан боғлиқ мифологик тасаввурлари асосида шаклланган. Тоҳир ва Зуҳранинг муҳаббати тўғрисидаги қадимий сюжет асосида достон яратишга киришган Мулланафас туркий халқлар фолклори эпик анъаналаридан самарали фойдаланган. Достон қаҳрамонларининг Исо ва Хизр ёрдамида тирилиши мотиви ҳам туркий халқлар эпик ижодиётидаги анимистик тасаввурлар билан боғлиқ қадимий сюжет элементларидан ижодий фойдаланишнинг ёрқин намунасидир.

«Тоҳир ва Зуҳра» достонининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 4997-рақамли қўлёзма нусхасида воқеалар ривожи қаҳрамонларнинг тирилиши ва муродмақсадига етишиши билан якунланади. Муаллифи номаълум бўлган бу қўлёзмада тасвирланишича, Одилшоҳнинг қизи Моҳим Тоҳир ва Зуҳранинг ўлганини эшитиб, лашкар билан Бобохондан ўч олиш учун келади. Моҳим уларнинг мозори олдига бориб: «Сизларни тирик ҳолда кўрмадим», деб нола қилиб, Тоҳир билан Зуҳранинг тирилишини худодан сўрайди. Моҳимнинг илтижоси ижобат бўлиб, улар тирилади ва муродмақсадига етади. Бу намунада асар мазмунигина эмас, балки персонажлар номи ва воқеалар бўлиб ўтган эпик жойлар атамаси ҳам Мулланафаснинг «Зуҳра-Тоҳир» достонига мос келади. Бу эса, улуғ туркман шоири Мулланафас томонидан яратилган «Зуҳра-Тоҳир» достони Ўрта Осиё халқлари эпик ижодиётига кучли таъсир кўрсатганлигидан далолат беради.

Мулланафас Қодирберди ўғли истеъдодли лирик шоир бўлганлиги сабабли унинг «Зуҳра-Тоҳир» достонидаги шеърий парчалар ҳам бадиий жиҳатдан ниҳоятда пухта ишланган. Адабиётшунос олим А.Кекиловнинг келтиришича, достондаги 3000 мисра шеърий қисмнинг қарийиб 80 фоизи, аниқроғи, 2700 мисраси туркман бахшилари тилидан тушмай куйлаб келинган. Айниқса, Сари бахши, Холли бахши, Ўраз салор, Махтумқули бахши сингари машҳур туркман достончилари Мулланафаснинг «Зуҳра-Тоҳир» асарини ўзига хос тарзда ижро этишган.

Бу достон кўплаб қўлёзма нусхалар ҳолида ҳам кенг миқёсда тарқалган, шу билан бирга, унинг таркибидаги шеърий асарлар туркман бахшилари репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Бу эса мазкур достоннинг халқ орасида ғоят катта қамровда шуҳрат қозонишига олиб келди. «Зуҳра-Тоҳир» достони ҳамда унинг таркибидаги шеърий матнлар Хоразм воҳаси ва Бухоро вилоятининг Қоракўл, Олот туманларида яшаган ўзбек бахшилари репертуаридан ҳам мустаҳкам ўрин олганлиги маълум. Жумладан, бу достондаги «Ҳусни минг туман баҳоли, дилбарим, дилдорим келди», «Эй шамсу анвар юзли гул, кўрмагай эрдим кошки», «Мен бугун тушмишам ишқнинг йўлина», «Бир ошиқи мастонаман», «Кел, Зуҳражон, боғ сайрига кетали», «Зуҳражон, ҳажрингда куйдим, жон сендан айрилиб», «Тушумда бир булбул кўрдим», «Белинг боғлаб тушсанг узоқ йўллара, йўл бошинда қолган ёринг унутма», «Нечук зотсан, ақлу ҳушим олибсан, Гавҳармусен, ё дурмусен, нимасан» мисралари билан бошланадиган шеърий бандлар бахши-шоир ва ҳофизларимиз томонидан севиб куйланиши натижасида халқ қўшиқларига айланиб кетган. Бу эса, юксак бадиий иқтидор соҳиби бўлган улуғ туркман шоири Мулланафас томонидан яратилган «Зуҳра-Тоҳир» достони икки қардош халқ ўртасидаги кўп асрлик адабий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилганлигини кўрсатади.

Маматқул ЖЎРАЕВ,
ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фолклор бўлими мудири, филология фанлари доктори, профессор

ЭЗГУ НИЯТ ИЖОБАТИ

Бугуннинг талаби

Муҳтарам Президентимизнинг мамлакатимиз ёзувчиларига мурожаатида бугунги адабиётимиз олдида турган муҳим муаммоларнинг моҳиятини чуқур, ҳар томонлама таҳлил қилиб берган, баъзи бир масалаларнинг ечимини аниқ-тиниқ изоҳлаб ўтган, энг муҳими, аҳли қалам, ижодкорларимизнинг тилидаги, дилидаги гапларни очиқ-ойдин таъкидлаганлар.

"Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" номи билан чоп этилган ушбу мурожаатда адабиёт ва санъатимиз олдида турган муаммоларнинг ечимига доир йўл-йўриқлар аниқ ифода этилган, мутасадди раҳбарлар олдига конкрет, жиддий вазифалар қўйилган. Қарангки, орадан кўп ўтмай, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ёзувчилар уюшмаси қошида "Ижод" фондини ташкил этиш ҳақидаги қарори эълон қилинди. Бу дилдаги сўзнинг тилга кўчгани ва амалга тадбиқ этила бошлаганининг ёрқин ифодасидир.

Мазкур Қарор муносабати билан Ёзувчилар уюшмаси фаоллар кенгашининг йиғилишида айтилган устоз адибларнинг, ёш ижодкорларнинг фикр-мулоҳазаларида ("ЎзАС", 2010, 19-март) ижодкорлар олдида турган вазифалар ўзининг аниқ-тиниқ ифодасини топган.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, биз ижодкорлар, адабиётшунос ва мунаққидлар Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг ғамхўрликларини, эътиборларини фақат бугунгина кўриб турганимиз йўқ. Истиқлол тонги отган илк дамлардан бошлаб ижод аҳли Юртбошимизнинг эътиборида. Энг аввало, эмин-эркин ижод қилиш учун зарур шарт-шароит яратилди, эски тузум давридаги тазйиқлар бартараф этилди. Бугун турли жанрдаги, ранг-баранг мазмундаги асарлар чоп этилаётир, мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг барча муаммолари бўйича тадқиқотлар амалга оширилаётир. Хизмат кўрсатган таниқли адибларимиз, адабиётшунос олимларимиз давлатимизнинг юксак мукофотлари, унвонлар билан тақдирланаётир. Таъкидлаш ўринлики, нафақат таниқли, тажрибали ижодкорларимиз, балки ёш истеъдод эгалари ҳам назардан четда қолаётгани йўқ. Шоираю адиба қизларимизга аталган Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Янги авлод», «Келажак овози» каби нуфузли кўрик-танловларнинг бадиий ижод йўналиши бўйича мукофотлари, эътиборга тушган фарзандларимизга берилаётгани, рағбат ва имтиёзлар ҳақида ҳарчанд фахр-ифтихор билан гапирсак арзийди.

"Ижод" фондини ташкил қилиш ҳақидаги қарорда, айниқса, ёш ижодкорлар, уларнинг ижодини юзага чиқариш юзасидан айтилган фикрлар мени жуда тўлқинлантирди. Бу бандда таъкидланган кўрсатмалар, энг аввало, узоқ вилоят ва туманларимизда яшаб ижод қилаётган қаламкашларнинг кўнглидаги истак-хоҳишлар ифодасидир, десам, асло адашмайман. Улар энди ижодий машқларини китоб ҳолида чоп эттириб, жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этиш имконига эга бўлишади.

Қарорда, шунингдек, кекса ижодкорларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, шоиру адиблар учун барча ижодий, дам олиш шарт-шароитлари яратиш, Ёзувчилар уюшмасининг моддий базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам айни кўнгилдаги гаплар айтилган.

Халқимизда: "Қўллаганга қўлдош бўл, йўллаганга йўлдош бўл", деган ҳикмат бор. Ўйлайманки, айни пайтда бу ҳикмат ижодкорларимизга, шоиру адибларимизга тааллуқлидир. Албатта, улар Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган эъзоз-эътиборга, самимий ғамхўрликка муносиб жавоб бериб, бадиий баркамол, сермазмун асарлар яратиб умумбунёдкорлик ишларимизда камарбаста бўладилар. Қолаверса, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотлар, яратувчанлик иши ҳар бир истеъдод соҳибини, холис ва салоҳиятли қаламкашни, изланувчан олиму тадқиқотчини бефарқ қолдирмаслиги керак.

Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ,
филология фанлари доктори

Навоий

БЕМИННАТ КЎПРИК

Икки оғиз дил сўзи

Янги асар устида бош қотириб ўтиргандим, телефон жиринглаб қолди. Дастакни кўтардим, саломлашиб, сўрашдик. Ажабо, Қарши шаҳридан мени йўқлаб, самимий сўрашган ким бўлдийкан?

— Кечирасиз, овозингиз кимнидир эслатаяптию... — дедим хижолат тортиб.

— Э, ўлманг, танимадизми? Тўрани, Тўра Нафасовни эшитганмисиз?..

Бирдан кайфиятим кўтарилиб кетди: лаҳзада ярим асрча аввал ўтган қувноқ дамлар, талабалик йиллари... хаёлимда жонланди. Лекин, ажабки, қанчалик қадрдон бўлмайлик, бир-биримизга интилмаганмиз, бориб-келишларни йўлга қўймаганмиз. Шунга қарамай, бир-биримиздан сиртдан анча-мунча хабардормиз. Чунончи, Тўра Нафасов мамлакатимизнинг етук тилчи олимларидан, Қарши давлат дорилфунуни профессори. Унинг топонимика, жой номларига дахлдор илмий ишлари, китоблари ҳамда дарсликлари шов-шувларга сабаб бўлган, ўнлаб шогирдлари уни эъзозлаб, бошга кўтарадилар. Албатта, бу маълумотларни мен дўстим Эргаш Қиличевдан эшитганман. У эса яқин ошнолару дўстлар билан мунтазам алоқада бўлиб, ҳаммамизни бир-биримизга боғлайди. Шунга кўра, Эргаш Қиличевни «беминнат кўпригимиз», деймиз. Унинг айтишича, ўтган йили Тўра Нафасовнинг таваллуд санаси кенг нишонланган, илмий-педагогик фаолияти юксак баҳоланган. Бундан салкам эллик йилча аввал биз, Алишер Навоий номидаги Самарқанд дорилфунуни филология факультетини битирувчилар умумий тилшунослик фанидан давлат имтиҳони топширардик. Давлат имтиҳон комиссиясининг раиси, жуда талабчанлиги билан ном чиқарган машҳур тилшунос олим, профессор Мустақим Мирзаев баҳоларни эълон қилиш чоғида ҳамманинг диққатини ўзига қаратиб:

— Мен йигирма беш талабани бириктирган, кичик, аммо мағзи тўқ, илдизи теран гуруҳга дуч келдим, — деди мамнуният билан. – Эртага тилшунос бўлишни ният қилган ёшлар мени кўпроқ қувонтирди. Улар билимларни ўзларига чуқур сингдирибди. Булардан Тўра Нафасов, Эргаш Қиличев, Усмон Саноқулов, Бойқўзи Турдиалиевлар катта умид уйғотади. Бу йигитлар қиёфасида келажакнинг ажиб тилчи олимларини кўргандай бўлаяпман. Шулардан бири — Эргаш Қиличев мени алоҳида қизиқтириб қолди. Агар муҳтарам устозлари изн берсалар, мен уни Бухоро давлат педагогика институтига, ўзим раҳбар бўлган тилшунослик кафедрасига ишга таклиф этаман.

Таклиф қарсаклар билан кутиб олинди.

Чиндан ҳам, Мустақим Мирзаев янглишмаган экан. Домла ишонч билдирган Тўра Нафасов Қашқадарёда, Эргаш Қиличев Бухорода, Усмон Саноқулов Самарқандда, Бойқўзи Турдиалиев (Оллоқ ундан рози бўлсин) Наманганда ўзларининг ёрқин истеъдодларини намоён этдилар, ўзбек тили мутахассислиги бўйича ажойиб олимлар бўлиб етишдилар. Эндиликда уларнинг ҳар бири кўплаб шогирдларга, китоблару монографияларга, мухлисларга эга.

Профессор Эргаш Қиличевни эса мен кириш имтиҳонлари топширган илк кунлардан буён яхши биламан. Кейинроқ у тилшунослик кафедрасининг мудири, филология факультети декани, Бухоро давлат педагогика институти ректорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари (проректори) лавозимларида ҳам ўзининг тиниб-тинчимас, ташаббускор раҳбар, меҳрибон мураббий эканини намоён этди.

Устози Мустақим Мирзаев тавсияси билан атоқли ёзувчи Садриддин Айний асарларининг тили устида тадқиқот олиб борди. Олимнинг «С. Айний асарларида архаизм ва неологизм» номли йирик илмий ишига ўзбек тилшунослиги соҳасида юксак мақомга эришган етук олим Аюб Ғуломов раҳбарлик қилди.

Педагог-олимнинг «Ўзбек тилининг амалий стилистикаси – услубияти», «Бадиий тасвирнинг лексик воситалари», «Ўзбек тилининг практик стилистикаси», олий ўқув юртлари учун «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслиги, «Услубият назарияси», ўғли Байрамали Қиличев билан ҳамкорликда ёзилган «Нутқ маданияти ва услубият» ўқув қўлланмаси талабалар учун дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Улуғ ёшида ҳам дўстимиз Эргаш Қиличев тинч ўтиргани йўқ: ўзи ўқиган, яхши китобларни тарғиб қилаяпти, шогирдлар етиштираяпти, талабаларга сабоқ бераяпти, олисдаги собиқ курсдошлар ўртасидаги меҳр ипларини қайта улаяпти...

Муҳаммад САЛОМ

Доимий ҳамроҳ

"САКУРА ГУЛЛАРИ"

Таниқли украин шоираси Людмила Скирданинг Шарқ мавзуси ёрқин акс этган, хусусан, япон мумтоз поэзияси услубида битган шеърлари "Сакура гуллари" номи билан Мирпўлат Мирзо таржимасида "Янги аср авлоди" нашриётида (2009) чоп этилди. Тўпламдаги шеърларга сингдирилган сурурли туйғулар, самимият, мисраларга муҳрланган ҳолатлар ва нурли манзаралар шеърият мухлислари қалбига тез кириб боради. Жумладан, шоира «Японларнинг миллий ўзига хослиги ҳақида»ги шеърида шундай ёзади:

Мен бошқа халқни билмайман,
Шу қадар
Мангулик ташвишини қиладиган
Ва гўзал сонялар қимматин туйиб,
Уларнинг қадрига етадиган.
Японлар — ўзини англаган миллат...

Китоб профессор Н.Костенконинг "Басё ўтган йўллардан юриб" сарлавҳали мақоласи билан очилади. Унда олима Людмила Скирданинг Японияда чоп этилган тўпламлари, уларда жамланган шеърларда япон мумтоз поэзиясига хос лирик талқинлар, шеърий услублар ва поэтик тушунчаларга батафсил изоҳ берган ва украин шоирасининг ютуқларини далиллаб таъкидлаган. Дарҳақиқат, Людмила Скирда узоқ йиллар Японияда дипломатик хизматда бўлиб, Шарқ адабиётига теран ихлос қўйган ижодкордир.

Тўпламдан адабиётшунос олим О.Абдуллаевнинг шоира билан суҳбати, таржимоннинг мухтасар сўзбошиси ҳам жой олган.

"Сакура гуллари" тўпламининг чоп этилгани муносабати таржимон Мирпўлат Мирзога йўллаган мактубида украин шоираси Людмила Скирда "ушбу ғаройиб туҳфа" учун чуқур миннатдорлигини изҳор этиб шундай ёзади:

"Таржимоннинг меҳнати туфайли ҳар қандай китоб янги, ажойиб умрга эга бўлади, бошқа бир маданият, бошқа бир мамлакат ва халқнинг мулкига айланади.

Хорижий мамлакатларда китобларим тақдимотида иштирок этишимга тўғри келган. Китобингни ўқиган, у ҳақда ўзларининг фикр-мулоҳазаларига эга бўлган, ўз ҳиссиётуйғуларини изҳор этган одамларни кўриш ва тинглаш ғоятда ёқимли ва ҳатто ҳайратланарлидир. Бунга одатланиб қолиш эса, имконсиз. Ҳар гал янги бир мамлакатда китобинг чоп этилгани гўё сенинг бу ёруғ оламга қайта келганингдек қувончли ҳолат.

Менинг камтарин шахсимга эътиборингиз учун, Украинага меҳрингиз учун, менинг шеърларимни синчковлик билан ўқиб, моҳирона таржима қилганингиз учун, қолаверса, муайян муддатда Сизнинг — доимо ижод билан банд бўлган ижодкорнинг ҳаётида намоён бўлганим учун ташаккуримни изҳор этаман".

"ЖАҲОН АДАБИЁТИ" 2010 йил, 1-сон

Журналларни варақлаганда

Журналнинг янги йилдаги илк сони мундарижаси жаҳон адабиётида турли даврларда яратилиб, ҳануз китобхонларни ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келаётган асрлар таржимаси билан бойитилган. Чунончи, рус классик ёзувчиси Ф.Достоевскийнинг "Камбағаллар" романи (русчадан Абдулла Хўжахонов ва Амир Файзулла таржимаси), поляк адиби Болеслав Пруснинг қадимги Мисрда ёш фиръавн Рамзес XIII ва коҳинлар ўртасидаги кураш тасвирига бағишланган "Фиръавн" тарихий романи (русчадан Абдулла Комил таржимаси), форсийдан Омон Мухтор таржимасида берилган буюк Ҳофиз Шерозий ғазаллари, Марина Цветаеванинг Мирпўлат Мирзо таржимасидаги мумтоз шеъриятидан намуналар, шунингдек, атоқли файласуф Николай Бердяевнинг "Муҳаббат метафизикаси" номли фалсафий асари (Абдуҳамид Пардаев таржимаси) ва машҳур озар адиби Анорнинг ҳикоялари (Рустам Жабборов таржимаси) муштарийларда алоҳида қизиқиш ва қониқиш туйғусини уйғотиши тайин.

Айни пайтда С.Ковалевскаянинг "М.Е.Салтиков-Щедрин" очерки, Б.Кербобоевнинг ёшларга маслаҳатлар тарзида ёзган "Зеҳн, юрак, уқув ва меҳнат зарур" сарлавҳали мақоласи, ҳинд шеършунослигининг ноёб намунаси Анандавардхананинг "Дхваньялока" асаридан берилган парча ҳам шеър санъати, бадиий ижод сирларидан огоҳ этиши билан қимматли.

Шу қаторда адабий мерос, адабий жараён ва танқид мавзуларидаги У.Долимовнинг "Жадидчиликнинг тамал тоши", Й.Солижоновнинг "Сизиф ва абсурд", Т.Умрзоқовнинг "Аслиймонанд таржима муаммолари" ҳамда Н.Шодмоновнинг "Зубдату-т-таворих"нинг мукаммал нашри" мақолалари ҳам мумтоз адабиётимиз масалалари, ғарб адабиётидаги тушунча ва оқимлар моҳияти, бадиий таржима муаммолари билан қизиқувчиларга бир талай маълумотларни етказади.

Михаил Зошченко ҳикоялари ҳажвиёт ихлосмандларини хушнуд этади.



Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов замонавий ўзбек миллий театр санъатининг йирик намояндаларидан бири. Тўқсон ёшни қарши олаётган таниқли санъаткоримиз ҳамон саҳнада. Етмиш йилдирки, турфа хил қаҳрамонлар ҳаётини яшаб келаётган актёр ўзбек театр санъатининг жонли солномасига айланган, десак, асло муболаға бўлмайди. Халқаро театр байрами арафасида табаррук ёшдаги санъаткоримиз билан ёш актёрлар, режиссёрлар ва драматурглар ижоди, умуман, театр ва театр ходимларининг бурч ва вазифалари тўғрисида суҳбат қурдик.

27 март — Халқаро театр куни

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ:

«ЗАМОНАВИЙ АСАР САҲНАДА ЯРАЛАДИ»

— Зикир ака, атоқли устоз санъаткор, кўпни кўрган инсон сифатида ўзбек театри бугунги ижодий баркамоллик даврига қандай етиб келди, деб ўйлайсиз?

— Театрнинг бир ажиб хусусияти бор: у вақти-вақти билан янгиланиб ва тозаланиб туради. Шунинг учун биз хоҳлаймизми-йўқми, у ўз вазифасини унутмасдан, жамиятга эзгулик ва ёруғлик бахш этишга интилаверади. Театр шуниси билан ҳодиса.

Жуда кўп давлатларда бўлдим. Уларнинг театр санъатини кузатдим. Шуни билиб қўйиш керакки, хорижий давлатларнинг аксариятида театр театр учун хизмат қилади. Лекин ўзбек театри бошқача. Бизнинг театр, авваламбор, маънавият учун хизмат қилади. У инсонни улуғлайди ва унинг тақдири ҳақида қайғуради. Қаҳрамонларимиз умр бўйи ўзининг кимлигини билиш учун изланади.

Ёдимда, ўтган асрнинг охирида Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келган машҳур инглиз режиссёри Питер Брук шундай деган эди: "Ўзбек театри ва унинг актёрларидан кўп нарсани ўрганса бўлар экан. Театр доимо булоқдек тоза бўлиб, инсоннинг қалбини ўзбек саҳнасидек ёритиб туриши керак экан".

Театр санъатимизни шу эътирофга Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург каби машҳур саҳна юлдузлари тажрибаларини қадрлаган, улар билан ёнма-ён, ҳамнафас ижод қилган, устозларнинг шижоати, саҳна ижодига бўлган муҳаббатини унутмаган актёр ва режиссёрларимиз олиб чиққан.

— Театр санъаткордан доимий равишда изланиб, фидойилик кўрсатиб, ҳаёт талабини, одамлар кайфиятини сезиб яшашни талаб қилади, деган гап бор. Сизнинг бу борадаги фикрингиз қандай?

— Тўғри айтасиз. Афсуски, айрим актёрларнинг бирор эсда қоларли рол ўйнай олмай саҳнани тарк этган ҳоллари ҳам бўлади. Лекин шуни ҳам унутмайликки, театр тарихида из қолдирган кўплаб актёрлар у ёки бу спектаклда фақат қаҳрамонларни ижро этганлари учун санъаткор бўлиб қолмаганлар. Улар ўзларига берилган ушоққина, эпизодик ролларга ҳам ижодий тақдирларини ҳал қилувчи бир имкон_сифатида ёндашганлар. Истеъдодли актёр эпизодик ролда ҳам бош рол ижрочисини сояда қолдириб кетади. Шу ўринда мен устоз Миршоҳид Мироқиловни айтишим мумкин. Бу актёр саҳна тарихида айнан шу кичик роллари билан муҳрланиб қолди. Яъни, гап ролнинг катта-кичигида эмас.

— Санъаткор ҳамиша эл эътиборида. Тўйлар, устма-уст реклама роликларида қатнашишлар, аввало, унинг савияси, қолаверса, обрўйини пасайтираётгандек бўлиб туюлади. Сиз бунга нима дейсиз?

— Бунга ўзимиз айбдормиз. Биласизми, айрим ёш ҳамкасбларимга қараб гоҳида жуда ачинаман. 10-12 соатлик иш вақтида шошганча радио-телевиденией югуришади, кетма-кет тўйга боришади. Очиғи, шу тўйлар театр ижодкорларининг обрўсини тушириб қўйди. Буни тан олиш керак. Тўйда аксарини янгилайди. Айнан шу нарса ҳақиқий саҳна санъатининг вазифаси.

Агар эътиборга лойиқ замонавий драма асарлари режиссёрни қониқтирмаса, унда ўзбек ва жаҳон классик асарларига мурожаат этган маъқул. Классикада гап кўп. Аслида театрни театр қилиб ушлаб турган нарса классик асарлар бўлади.

Айни вақтда истеъдодли драматурглар билан бирга замонавий мавзулар устида ҳам тинимсиз иш олиб бориш лозим. Театрни театр қиладиган бу — замонавий мавзу. Бизнинг бугунги ҳаётимизда эса бунинг учун қанча-қанча мавзулар мавжуд.

Яъни, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш олдимизда турган долзарб масаладир. Ватан мустақиллиги, равнақи йўлида умрини бахшида этаётган қаҳрамонларимиз саҳнада ўз ўринларини топишлари керак. Бунда кўп нарса драматургнинг маҳоратига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Ҳақиқий замонавий асар театрнинг ўзида яратилади. Ўзига жуда ишониб юборган драматургларни кўрганимда, бир воқеа ёдимга тушади. Жаҳон драматургиясининг отаси Уилям Шекспир дўсти, актёр ва драматург Бен Жонсонга вафоти олдидан шундай гапларни айтган экан: "Ҳар бир асаримни театрга тақдим этар эканман, мени чуқур ҳаяжон ва қўрқув босади. Яратган асаримда бирор-бир нуқсон ёки камчилик йўқмикан, драматургия қонун-қоидаларига, саҳна талабларига жавоб берармикан, муқаддас саҳнага менинг асарим лойиқмикан, деган шубҳа мени қийнайверади. Бу шубҳа ва ҳаяжон сўнгги нафасимгача тарк этмади, шундан бахтиёрман". Қаранг, Шекспирни Шекспир қилган мана шу ўзидан ҳеч қониқмаслик ҳисси эмасми?

— Ўзбек театрининг эртанги куни, унинг келажаги албатта, кўп жиҳатдан ёш актёрлар ва режиссёрларнинг истеъдод ва изланишларига боғлиқ. Уларга қандай тилакларингиз бор?

— Салкам ўн йил бурун, Миллий театримиз янги биносининг очилиш маросимида муҳтарам Президентимиз ёш театр ижодкорларига: "Сизлар ўзбек театр санъатимизнинг энг яхши анъаналарини асраб-авайлаб, ривожлантириб, келажак авлодларга етказасиз. Миллий ва умумбашарий қадриятларни тараннум этувчи етук асарларингиз билан халқимиз маданиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшасиз", деган эдилар. Энди бундан ортиқ гапни айтиш қийин. Мана, бугун республикамизда ёш режиссёрларнинг "Дебют — 2010" фестивали ўз ишини бошлаяпти. Бундай фестиваллар аввалги йилларда ҳам жуда самарали бўлганди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" бирлашмаси бундай тадбирларни уюштириб, ёш режиссёрларга катта ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ўтган фестивалларда ўзини намоён этган режиссёрлар бугун театр санъатини ҳаракатга келтирувчи кучларга айланяпти. Ўйлайманки, бу гал ҳам ушбу фестивал ёш ва истеъдодли режиссёрларни кашф этиб, миллий режиссура мактабини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади. Ёш режиссёрларга омад ёр бўлсин, дейман. Барча ҳамкасбларимни Халқаро театр куни билан чин қалбимдан табриклайман.

Аҳмаджон РАҲИМОВ,
санъатшунос

САНЪАТКОР ХОТИРАСИ

Қўқон шаҳар Ҳамза номидаги мусиқали драма театрида Ўзбекистон халқ артисти Раҳима Мазоҳидова таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб хотира тадбири ўтказилди.

Хонанда унутилиб кетаётган ўзбек халқ қўшиқларини ва фолклор намуналарини қайтадан тиклашга катта ҳисса қўшган санъаткорлардан бири эди. "Қари наво", "Мужгонларинг" каби қўшиқлар унинг ижросида қайта туғилди. "Феруз", "Гулузорим", "Овозим", "Ялла", "Ўзбекистоним", "Самарқанд ушшоғи", "Қўқон ушшоғи" каби қўшиқлар ҳам унинг ижросида ўзгача оҳанг билан жаранглади.

Ёднома

Томошабинлар Раҳима аяни актриса сифатида ҳам яхши билади. Театр саҳнасида 30 дан зиёд спектакларда ўзига хос образлар яратди. "Бой ила хизматчи"да Раҳима хола, "Муқимий"да Рисолат, "Куёвнинг омонати"да Тўти, "Қон сачраган тол"да Норхоннинг онаси, "Дўст нидоси"да Раъно, "Адашган соҳибжамол"да Чарос образларини маромига етказиб ижро этди. "Ўткан кунлар", "Зулматни тарк этиб", "Оталар васияти" каби филмларда эсда қоларли образлар яратди.

Қадимий халқ қўшиқлари, урф-одатлар, маросимлар ва анъаналарни ўрганиш, тарғиб этиш мақсадида Р.Мазоҳидова бир гуруҳ шогирдлари билан "Қўқон ёр-ёри" халқ фолклор-этнографик ансамблини ташкил этди. Жамоа республика миқёсида ўтказилаётган умумхалқ Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, кўрик-танловлар ва фестивалларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Халқ ижодиёти ва ахборот маркази, Маданият ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ҳамда Қўқон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда фолклоршунос олим, профессор Саодат Йўлдошева, мутахассислар, таниқли санъаткорлар, санъаткорнинг издошлари ҳамда "Қўқон ёр-ёри" фолклор-этнографик, "Сарвигул" халқ чолғу ансамбли жамоалари иштирок этди.

М. ҚОЗОҚБОЕВ,
М.КАРИМОВА

МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

"Фан" нашриётида ёш адабиётшунос Бурҳон Абдулҳайировнинг "Миён Бузрук жадид драматургияси ва театр тадқиқотчиси" монографияси нашр этилди. Тадқиқотнинг кириш қисмида Миён Бузрук Солиҳовнинг "Ўзбек театри тарихи учун материаллар"и (1935) китоби ўз даврида ва кейинчалик ҳам театр ва драматургия тарихини ўрганишда муҳим манба бўлгани қайд этилган. Шунга қарамай, ўзбек театршуносларининг 1937 йилдан кейинги тадқиқотларида бу асар ва унинг муаллифи умуман тилга олинмаган. Ўзбекистон мустақилликкa эришгандан сўнггина М.Б.Солиҳов асарини бугунги кун талаблари асосида ўрганиш имкони туғилди.

Доимий ҳамроҳ

Рисоланинг биринчи бобида "Миён Бузрукнинг ҳаёт йўли, жадид драматургияси ва театри манбаларига оид қарашлар"и кузатилади. Шу билан бирга, олимнинг XX аср бошларидан 30-йиллар охиригача бўлган ҳаётий ва илмий фаолиятига назар ташланади ва Туркистонда янги замонавий театр ва драматургиянинг туғилишига доир Миён Бузрукнинг қарашларига муносабат билдирилади.

Иккинчи бобда жадид драматургияси ва театрининг шаклланиш жараёнлари ёритилган. Янги замонавий ўзбек театри ва драматургиясининг майдонга келишида рус, татар, озарбойжон театрларининг таъсири ҳамда маданий, иҗтимоий-сиёсий омиллар таҳлил этилган.

Тадқиқотнинг учинчи бобида Миён Бузрукнинг октябр тўнтаришигача бўлган вақтда яратилган саҳна асарларига оид қарашлари таҳлил қилинган. Шунингдек, Миён Бузрук Солиҳовнинг "Ўзбек театри тарихидан материаллар" китобининг факсимелеси берилгани рисола қимматини оширган. Китобга адабиётшунос Наим Каримов муҳаррирлик қилган ва мухтасар сўзбоши ёзган.

Бурҳон Абдулҳайировнинг мазкур монографияси ўзбек театри тарихини ўрганишга қўшилган муҳим ҳиссадир.

Шерали ТУРДИЕВ

Маданий ҳаёт

Ёшлар ижод саройида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази томонидан ташкил этилган иқтидорли ёшларнинг инновацион лойиҳалари ва ишланмаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш бўйича давра суҳбати бўлди.

Унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш комитети, Давлат патент идораси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда "Келажак овози" республика танлови ғолиблари — ёш тадқиқотчи ва ихтирочилар иштирок этдилар. Суҳбат якунида иқтидорли ёшларга патентлар топширилди.

Бошланиши биринчи саҳифада.

БАРДАВОМ ИЗЛАНИШЛАР

Ўтган йили суратга олинган кинофильмларга бир назар

Дастлаб таснифнинг биринчи йўналишига кирган филмларга тўхталсак. Собир Назармуҳамедовнинг "Нариги соҳилда ёхуд уч оғайни қиссаси" қаҳрамонлари болалик беғуборликларини ҳанузгача тарк этмаган мўйсафидлар. Болаликдан бирга ўсиб, сўнг ҳаётнинг қанча синовларидан ўтиб, қирқ ёшларида Жаббор исмли оғайниларидан тасодифий ўлим туфайли ажралиб, умри поёнига яқинлашган икки қария – Ҳаким ва Надим.

Такрорланаётган туш, умр саналарини санаётган заиғзғон, кўмири тугаганда умри ҳам тугайдиган кўмирчи чол, қанотли фариштa бола ва ҳоказо. Хуллас, ҳаммаёқ топишмоқ, рамз, ишора. Муаллифнинг мақсади нима экан, деб беихтиёр ўйланиб қоласиз. Ҳарқалай, кўз ўнгингиздан бир соату қирқ минут давомида қанча манзара ва лавҳалар ўтади. Мен бу фурсат давомида Собир Назармуҳамедовнинг миллий бадиий киномизда ўзига хос номини, дунёқарашини, услубини намоён этган энг сара асарлари — "Тушларимда аччиқ йиғлардим", "Ёлғиз ёдгорим", "Соғинч соҳили" филмларини эсладим ва шулардан юлиб-юлиб олиниб, монтаж қилинган лавҳа, тасвир, фикр ва ғояларни такрор кўргандек бўлдим. Ҳаким тимсолида Адаш карвонни, Қумри қиёфасида унинг хотинини, Жажжу томда отасининг карнайини топиб олган лавҳаларда эса "Соғинч соҳили"даги руҳий касаллар пансионатидаги қўғирчоқ истаб томда юрган образни... Афсуски, бу такрорларда янги мазмун ва янги туйғулар пайдо қилиб, табиий қўйилиб кетадиган бир уйғунликни эмас, аксинча, ўзи яратиб олган оролчадан нарироққа ўтолмаётган, ижодий турғунлик ҳолатидаги санъаткорни кўрдим. Инсоф юзасидан айтганда, филмда икки образ ижроси эътирофга лойиқ: Миртоҳир Миралиев (Ҳаким) ва Бахтиёр Қосимов (Жаббор). Ҳаким образи учун танланган Обид Юнусов овози дубляжда ҳар қанча чархланган ва юксак маҳорат намунаси бўлмасин, тасвирий талқинга мутаносиб эмас. О.Юнусов овози эҳтиросларга бой, ўзига хос ўктам хусусияти билан эътиборли. Ҳаким образи эса шикаста, босиқ, донишмандона вазминликни тақозо этади. Бундан ташқари, ўтган аср етмишинчи йиллари билан боғлиқ лавҳаларда, либослар даврийлигида, қишлоқ урф-одатларига, аёл-эркак муносабатларига оид тафсилотларда ҳам суньийлик томошабин ғашига тегади.

Аҳамиятли бўлмаган ҳолат ва ҳодисалар ҳақида гўё фавқулодда аҳамиятли ҳодисадек тасаввур уйғотиш, оддий, ҳатто жўн ҳақиқатларни фавқулодда воқеа қилиб кўрсатиш, ребуснамо талқинлар, тасвирлар орқали гўёки катта санъатга даъво қилиш, бу совун пуфакчалари билан ўйнашиб ўтирган боланинг беҳуда машғулотига ўхшайди. Ўз ҳузуридан бошқага ярамаган нарсани ўзгаларга мажбурлаш, бу энди ё маънавий зўравонлик ёки камида ижодий заифликдир. Афсуски, бундай ҳолатни безиён деб бўлмайди... Талантини бир неча бор намоён этиб, эътироф топган режиссёрнинг ижодий турғунлик ҳолатидан чиқишга қуввати етади, албатта.

Ёлқин Тўйчиев миллий кино санъатимизга ўз олами билан кириб келган санъаткорлардан. Унинг бир қатор филмлари санъатимизда ўзига хос из қолдираётганини соҳа мутахассислари эътироф этишади. Истеъдод деб аталмиш самовий неъматнинг турфа товланишларига тан бермай илож йўқ. Ана шу истеъдоднинг бу галги зуҳури, назаримизда, ҳар галгисидан теранроқ ва баландроқ бўлди, десак муболаға эмас.

Аввало, филм номи ҳақида. "Постскриптум" русча-ўзбекча луғатда "ёзиб тамомланган хат охирига ёзиладиган гап олдидан қўйиладиган ишора" (иккинчи жилд, Тошкент. 1984 йил) дея изоҳланади. Уни ўзбек тилида "Илова" тарзида бериш тўғри бўлмаса керак. Айни чоғда филм мазмуни ҳам, бизнингча, бу тушунчани кўтармайди. Илм аҳли одатда бу тушунчани «эслатма» тарзида ҳам қўллайди. Филм бошдан-охир рамзлар, ишоралар билан тўла. Бу тажриба Ёлқин Тўйчиев ижодида жиддий филмлар услуби даражасига кўтарилган ҳодиса. Мазкур картинадаги рамзлар мағзи тўқ, сюжет ўқига боғланган, аниқ мақсадга йўналтирилган.

Барча буюк ҳодисалар, кашфиётлар замирида асли эркинлик тилаги яширинган. Ҳамид ҳам шу кайфиятни, сустроқ тарзда бўлса-да, анчадан бери ҳис этиб яшайди. Ҳаёт шу эканда, дея ота-бобосидан қолган чархпалакни айлантиришда давом этади. Фақат саркашлик қилиб, на удум, анъананинг, на ақл ва на тенгқур тенгдошларнинг турмуш-тарзини қабул қилишдан қочиб, шаҳарда шаталоқ отиб юрган укасини қайтариб, онасининг зорталаллоларини бажаришга, уни ҳам ўзи каби "рисола"дагидек умргузаронликка мажбур қилиши керак. Аммо ука бошқа дунё бўлиб кетган. Ака уни топиб, мажбурлаб қишлоққа олиб келади-ю, ўзигаўзи жабр қилиб қўяди. Филмнинг машҳур "Жаконда" портрети билан бошланиб, шу сурат акс этган плакатнинг бир чети узилиб, осилиб қолиши лавҳаси билан якунланиши ҳам Леонардо да Винчининг "Мона Лиза" портретини англаш борасидаги неча асрлардан бери кечаётган баҳсу талқинларга ишора беради. Инсон изтироблари оша фориғланиб ҳаловат топганидек, филм қаҳрамони Ҳамиднинг руҳий кечинмалари, азоблари, ақлдан озар ҳолатдаги хатти-ҳаракатларига ишониб, фикрловчи фаол томошабин ҳам тозариш ҳиссини туяди. Узоқ вақт ана шу қаҳрамон, демакки, филм таъсирида юради ва балки ўз умри, ҳаёт тарзи, хатти-ҳаракатлари ҳақида ҳам ўйлаб кўради. Асли санъатнинг олий мақсади ҳам шу эмасми?!

"Сўнгги лаҳза" картинаси ҳам умуминсоний туйғулар, кечинмалардан баҳс очади. Кўзга ҳам, қалбга ҳам аниқлик ва ёруғлик бағишлайдиган тасвирлар, талқинлар билан эътиборни тортади. Таъбир жоиз бўлса, мен мазкур филмни миллий киномизнинг 2009 йили яратилган энг яхши намунаси деб айтган бўлар эдим.

Аввало, филмдаги сокин оҳанг томошабинни ўзига тортади. Воқеалар пала-партишлик билан, тез-тез алмашиниб, персонажлари кўча-кўйнинг беибо енгил-елпи лаҳжаларида сухбатлашадиган арзонгаров томошалар меъдасига теккан томошабин тасвирларни мўътадил бир кайфиятда ғашланмай ҳазм қилиб кўриши филмнинг эътиборни жалб қиладиган фазилати. Ана шу сокин маромда замонавий либосу қиёфада қиз ва йигит жонланади. Ва уч тўрт кадр алмашиниб, азалий учбурчакнинг учинчи иштирокчиси – номуси олиниб, беникоҳ ҳомиладор бўлиб қолган бир қиз пайдо бўлади.

Хилват бир гўша – кўл ёқасида тўйиб-тўйиб ҳаво олаётган йигит тасвири аслида ёшлик даврининг беташвиш, фарахли паллаларидан масрур эканига ишора бу. Бири кам дунё... Туғқус, бошидаги оғрикдан қалқиб хушини йўқотаёзган йигит танасида не бир иллат пайдо бўлганини сезиб шифокорга мурожаат қилади. Шифокор миясида ўсимта борлиги, умр поёни яқинлашиб қолганидан машъум хабар етказади. Ана шу вазиятда куни кеча йигитга ўз "дарди"ни тўкиб солган Севара масаласи ҳаёлдан ўтади. Шунда Акмалнинг "инсоний жасорати", яъни келгусида бошига тушадиган барча таъна-маломатларни бўйнига олиб, қизга ёрдам қўлини чўзиши томошабинни бефарқ қолдирмайди. У совчи юбориб, қизни ўз никоҳига олади, боланинг ёруғ юз билан туғилишига сабабчи бўлади. Унинг олижаноблиги, сўнгги лаҳзада ҳам инсонийлик шаънини баланд тутиши ҳаяжонга солади кишини.

Эътибор қилинг, инсон бу дунёни тарк этувчи сўнгги дамларида ҳам яхшилик уруғини сепиб қолиши, ўзидан из қолдириши мумкин экан. Бош қаҳрамоннинг "Инсон қанча яшагани билан эмас, қандай яшагани билан муҳим" деган фикри филмнинг бош ғояси бўлиб, одамда умидбахш, мунаввар туйғулар уйғотади.

Бош рол ижрочиси Алишер Узоқов айнан Акмал бўлиб ёнингизда, хонадонингизда яшаётгандек тасаввурингизга сингади.

Яна Лола Элтоева, Эркин Комиловлар яратган образлар ҳам эсда қолади. Мусиқа, бастакор иши хусусида янада қониқиш билан илиқ фикрлар айтиш мумкин. Хулоса шуки, ёш режиссёр Актёр Бектурдиевнинг изланишлари қўллаб-қувватлашга муносиб.

Ҳилол Насимовнинг "Таҳдид", Мансур Абдуҳолиқовнинг "Аросат", Баҳриддин Айназаровнинг "Тузоқ", Ориф Йўлдошевнинг "Уқубат" филмларини бир маҳраж остида бирлаштирган мавзу – бу юртимиз тинчлигига, сиёсий барқарорликка, халқлар бирлигига, эътиқод ва қадриятларимизга таҳдид солаётган ҳодисалардир.

"Таҳдид" каттагина маблағ сарфланиб, кинолентада суратга олинган филм. Табиийки, шунга яраша самара ҳам кутилган. Йиллар давомида ҳарбий тайёргарликлардан ўтган Азиз Мўминовни ҳали жанг бошланар-бошланмас яралаб қўйишади. Қизиқ, қаҳрамон ҳарбий госпиталга келтирилиб, ҳушига келгандан кейинги дастлабки сўзлари ҳамшира қизга суюқлик қилишдан бошланади: "Кўзларингиз уммонга ўхшайди". Беихтиёр таажжубга тушасиз. Самарқанднинг Оқсой қишлоғида туғилиб ўсган бола ҳам шунчалар сунъий тилда сўзлашадими?! Майли, бу қаҳрамонни-ку қўя турайлик. Лекин филмда асосий қаҳрамон ким ўзи? Очиғи, персонажларнинг йўл чизиқлари шу қадар кўпки, уларнинг аксарияти чизгилар шаклида қолиб кетаверади. Ижодий истак кўп, аммо уларнинг ривожи, ечими йўқ.

Шу ўринда кинофилмларимизга ва кинорежиссёрларимизга хос умумий бир нуқсонни таъкидламоқ керак. Профессионал сценарийчиларга мурожаат этмаслик ёки муайян давр ва ўқувчи синовларидан ўтган бадиий асарларга суянмасдан ўзбилармонлик қилиш бесамара йўл. Шу туфайли тўлақонли бадиий филм учун етарли киноматериал бермайдиган сценарийлардан воз кечиш лозим. Бу нафақат "Таҳдид"да, "Нариги соҳилда...", "Тузоқ", "Абадият чархи" филмларида ҳам очиқ сезилиб туради.

"Аросат" филмида эътиқодини ўзгартирган, ғаразгўй хоҳишларда ўзга эътиқодни тарғиб қилиб, ўз мусулмон динидан чиққан эру хотиннинг қисмати ҳикоя қилинади. "Янги эътиқод" тарғиботи билан юрган аёлни машина уриб ўлдиргач, майитни кўмиш муаммоси саргузаштлари асносида турлича дин ниқобидаги "оғиш", "адашиш"лар, эл-юрт удумларига хиёнат, бундай ҳаракатнинг ана шу эл-юрт томонидан қораланиши, кечирилмаслиги фожиавий бир талқинда ифода этилган...

Қайд этиш зарурки, филм режиссураси эътиборни тортади. Ижро ҳаққонийлиги, психологик зиддиятлар ва ҳолатларни аниқ ва муайян шароитда тасвирлаш, бадиийлик мезонларига суяниш иқтидори ёш режиссёрга нисбатан умид уйғотади.

XXI асрнинг ўнинчи йилларида яшаётган авлод оталари ҳақида нотўғри фикрга бориб қолмаслиги керак. Ёлғон эътиқод ва ақидаларни қоралаб туриб, ҳақу ноҳақ қаерда, дўст киму душман ким, адашиш нимаю, тўғри йўлга қайтиш қандай кечади — мана бу саволларга маърифат билан ва бадиийлик ҳаётий ҳаққоний намуналари асосида жавоб бериш лозим.

"Тузоқ" моҳият эътиборига кўра диний миссионерликдан ҳам кўра хавфлироқ куч ҳисобланган "ҳизбут таҳрир" гуруҳларининг ёвуз ниятларини фош этишга, шу йўлда айрим эътиқоди суст кишиларнинг фожиасини кўрсатиб беришга бағишланган филм.

Муайян социал буюртма билан яратилган мазкур филм ёшларга сабоқ сифатида фойдадан ҳоли эмас, албатта. Унда асосий ролларни ижро этган Улуғбек Юнусов, Бахтиёр Қосимов, Нигора Каримбоева ҳақида ҳам илиқ фикрлар айтиш мумкин. Бироқ бу ҳали филмнинг муваффақияти дегани эмас. Бадиийлик даъвосидаги ҳар қандай ижодкор ҳаёт ҳақиқати, бадиий мантиқ деган оддий талабларни унутмаслиги, ўзи танлаган воқеа-ҳодисани жўн тушунмаслиги лозим. Режиссёр Бахтиёр Қосимов талқинида ғоявий кучли, фикран тетик, ақлли ва тадбиркор ёвуз душманни кўрсата билган, бироқ унга ҳар томонлама бас кела оладиган рақиб-қаҳрамон йўқ...

"Уқубат" айни шу кунларнинг долзарб масаласи — одам савдоси иллатларига доир филм. Адабий асос ёзувчи ва киносценарийчи Абдуқаюм Йўлдошев ва Гулчехра Маткаримова томонидан ёзилган. Ҳар қалай тўлақонли филм учун материал етарли. Бироқ бунда ҳам режиссёр фантазияси, бадиий мантиқ сустлиги кўриниб қолган. Айниқса, ечим топишда шошма-шошарлик билиниб туради.

"Абадият чархи", "Ўғри", "Курорт" филмлари миллий қадриятлар, авлодлар ворислиги, миллий-маиший турмуш манзараларини акс эттиришга бағишланган. Бунда, шубҳасиз, Нозим Аббосовнинг "Абадият чархи" муаллифлик филми етакчилик қилади.

Нозим анчагина тажрибали режиссёр. Унинг кино олиш маданияти, филм сюжети, композицияси, воқеалар мантиқи, монтаж каби масалаларда тушунчаси баланд. Актёр танлаш ва уларни образга уйғунлаштира олиш маҳорати ҳам мақтагулик. Бироқ нима учундир "Абадият чархи" филмида бу фазилатлар бироз чекингандек, кутилган, керакли миқёсларга кўтарила олмагандек туюлади. Воқеаларнинг ясамалиги, адабий материал тақчиллиги, талқин ва тафсилотлардаги жўнлик филмнинг зерикарли ҳамда ғоявий-бадиий тарқоқлигига сабаб бўлган.

Режиссёр авлодлар давомийлиги, устозу шогирд ворислиги масалаларини қаҳрамонлари тилига кўчирганда, ўз ғояси ва мақсадини англатади. Бироқ муаллима аёл билан кулол йигит муносабатларини, сирли, қўрқинчли оролчага оид ривоятларни бош ғоя билан уйғунлаштира олмайди. Сокин фалсафий оҳанг бутун филм давомида текис сақланмаган. Лола Элтоева, Фахриддин Шамсиматов ижроларида муносиблик амалга ошгани ҳолда Қувватбой Абдраимов талқинидаги ота образи ансамблга қўшила олмайди.

"Қорақалпоқфилм" маҳсулоти бўлган "Курорт" ва айниқса, "Ўғри" филми қорақалпоқ миллий характерини кўрсатиш йўлидаги изланиш ва тажрибалардир. Ҳар икки филм Муратбай Низанов сценарийлари асосида кинорежиссёр Б.Низаматдинов томонидан суратга олинган. Муаллифлар мақсадга шу қадар берилиб кетишадики, миллий комик характер деб баъзан ортиқча нарсаларни, ноўрин воқеа-тафсилотларни сюжетга қўшиб юбораверишади.

Характер яратиш ва уни турфа ҳолатларда кўрсатиш нуқтаи назаридан «Ўғри» филми нисбатан анча муваффақиятли чиққан. Қурбонбой ролидаги актёр Қурбонбой Қаландаровнинг характерли образлар яратишга мойиллиги яққол билинган. Бир мулоҳаза шуки, қорақалпоқ киноижодкорлари ўз профессионал маҳоратлари устида янада фаол ишламоқлари зарур.

Баҳоли қудрат таҳлил этилган филмларнинг ютуқлари ва нуқсону камчиликларига қараб, қуйидагича умум жиҳатларини қайд этиш мумкин.

Аввало, ғоявий-бадиий изланишларнинг теранлашуви, бадиий тадқиқотга, инсоннинг турфа ҳолатларини кино тилида бадиий кашф этишга мойиллиги ўсиб бораётгани ("Постскриптум", "Сўнгги лаҳза"); иккинчидан, профессионал сценарийчилар билан ҳамкорлик қилиш талабининг ўсиши ("Аросат", "Уқубат", "Ўғри", "Курорт", "Сўнгги лаҳза"); учинчидан, профессионал актёрлар билан ишлаш эҳтиёжининг кучайгани, актёрлик муваффаққиятлари (Нозим Тўлахўжаев, Бахтиёр Қосимов, Қурбонбой Қаландаров, Миртоҳир Миралиев, Лола Элтоева, Мирмақсуд Охунов, Алишер Узоқов, Улуғбек Юнусов ижролари мисолида) кўзга ташланади.

Айни чоғда бартараф этиш лозим бўлган умумий нуқсон ва камчиликларни ҳам айтиб ўтиш зарур. Аввало, киноматериалининг тақчиллиги, сценарийларнинг пухта ишланмагани ("Нариги соҳилда ёхуд уч оғайни қиссаси", "Абадият чархи", "Таҳдид", "Тузоқ"); қолаверса, режиссёрлик изланишларининг сустлиги ("Таҳдид", "Курорт", "Тузоқ", «Уқубат»); ғоявий-бадиий ноаниқлик, бадиий фикрнинг меъёрига етказилмагани ("Таҳдид", "Уқубат"); каби жиҳатларини таъкидлаш керак.

Албатта, ютуқлар кўп бўлиши, каттакатта фестивалларда мамлакатимиз номи тез-тез тилга олиниши, энг муҳими, ўз томошабинимиз онги ва қалбидан янада чуқурроқ жой олишини орзу қиламиз. Орзулар воқеликка айланмоғи учун имконият ва шарт-шароитлар етарли. Олдимизда бажарилиши зарур бўлган вазифалар кўп. Жумладан, киносценарийлар яратиш жараёнининг мураккаблиги, ўзига хослигини назарда тутиб, бу соҳада янги-янги номлар, тажрибаларга эҳтиёж кучайиб боряпти.

Бадиий киномиз олдида турган вазифалар кўп, мақсадлар уфқи эса кенг. Энг муҳими, бугунги кун талабларига муносиб, юртдошларимизга маънавий озиқ берадиган бадиий пишиқ-пухта асарлар яратиш киноижодкорларимиз зиммасидаги шарафли вазифадир. Шу йўлдаги изланишларимиз бардавом бўлаверсин.

Шуҳрат РИЗАЕВ

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОН ОРЗУСИ

Бир куни бошланғич синфда ўқийдиган жияним эрталабданоқ апил-тапил кийиниб, мактабга ошиқаётганига кўзим тушди. Сабабини сўрасам:

— Бугун мактабимизда янги спорт залининг очилиш маросими бўлади, — дея ғурурланиб жавоб берди.

Болалигиданоқ спортга, айниқса, футбол ўйнашга иштиёқманд жиянимнинг қувончини кўриб ҳавасим келди. Бугун у каби спортга қизиқиб, спорт билан ошно тутинаётган болакайлар жуда кўп. Муҳими, уларнинг қизиқишларини рағбатлантириб, ривожлантириб бориш. Бу борада Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан олиб борилаётган ишлар алоҳида ўрин тутади. 10 март куни Президентимиз Ислом Каримов раислигида Оқсаройда бўлиб ўтган жамғарма Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида болалар спортини ривожлантириш бўйича ўтган йилдаги фаолият атрофлича таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Энг аввало, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳалигача дунёнинг ҳеч бир мамлакатида бундай ташкилот тузилмаган.

"Спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, ҳурфикр инсон бўлиб етишиш учун ёрдам беради. Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Спорт Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўйини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратади", деб таъкидлади давлатимиз раҳбари йиғилишда.

Дарҳақиқат, болалар спортини ривожлантиришда ҳатто энг олис қишлоқларда ҳам замонавий анжомлар билан таъминланган муҳташам спорт мажмуалари ва стадионлар барпо этилаётгани ёш авлоднинг спортга иштиёқини оширмоқда. Бу эса ўз навбатида уларни юксак марралар сари руҳлантиради, халқаро майдонлардаги ғалабаларга ундайди.

Юртбошимиз фармони билан саккиз йил аввал фаолиятини бошлаган жамғарма томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар бугун ўз самарасини бермоқда. Ўтган йилнинг сентябр ойида Миланда бокс бўйича ўтказилган XV жаҳон чемпионатида 133 давлатдан 554 нафар боксчи иштирок этган муросасиз мусобақаларда ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталари жамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди. Яна бир боксчимиз Аббос Атоев икки бор жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Футбол бўйича ёшлар ўртасида Мисрда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимиз иштироки, Данияда эркин ва юнон-рум кураши бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида, Теҳронда каноэ ва байдаркада эшкак эшиш бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида вакилларимизнинг юртимизга медаллар шодаси билан қайтишгани ва спортнинг бошқа кўплаб турлари бўйича ҳам халқаро ареналарда Ўзбекистон номи ғолиблар шоҳсупасида жаранглаётгани бунинг исботидир. Албатта, бу каби ютуқлар ва зафарларни кўрган улардан илҳомланган, ҳаваси келган болакайларимиз, йигит-қизлар ҳам шундай муваффақиятларга эришишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишлари, шубҳасиз. Сўнгги йилларда спортга қизларнинг ҳам кенг жалб этилаётгани бежиз эмас. Чунки соғлом аёллардан соғлом фарзандлар дунёга келади.



2003 — 2009 йилларда мамлакатимизда 1123 та спорт мажмуаси бунёд этилиб, уларнинг 922 таси қишлоқларда қад ростлади. Жорий йилда ҳам ана шундай 11 янги спорт иншооти ва 14 та болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилиши, 40 мактабда спорт заллари қурилиши режалаштирилган.

...Кечқурун мактабида янги спорт зали очилиши маросимидан қайтган жиянимдан таассуротлари ҳақида сўрадим.

— Вой-бў. Жуда зўр бўлди. Спорт залимизнинг катталиги, ундаги янги нарсаларни кўрсангиз эди... Энди ҳар куни шу залга кириб, спорт билан шуғулланаман. Мазза...

Юз-кўзлари хурсандликдан порлаб турган жиянимнинг қувончига шерик бўларканман, у қулоғимга аста шивирлайди:

— Амаки, катта бўлсам албатта чемпион бўламан!..

Жамшид МАТЁҚУБОВ

Михаил ЗОШЧЕНКО

ТИРИК МУРДА

Ҳаётий воқеа

Бир ишчи ғалати воқеани бошидан кечирди. Бу шунақа ғалати воқеаки, ундан хабар топганнинг ярми, ҳойнаҳой, ичишни ташлаб юборсалар керак.

Лекин бўш келма, ҳурматли ўқувчи! Ичишни ташлаш — бу унчалик қўрқинчли эмас. Ўз вақтида керосиндан бошқа ҳамма нарсани ичган муаллиф ҳам, масалан, бу зарарли одатни ташлади. Энди қалай, дейсанми? Яшаса бўлади.

Бу ғалати воқеани эса Петроград фабрикаларидан бирининг ишчиси айтиб берган эди. У фамилиясини келтирмаслигимизни илтимос қилганди. Уяламан, дейди. Начора, фамилиясини келтирмаймиз, шунчаки Федя Жуков деб атаймиз.

— Энди мен пиво ичмаяпман, — деди Федя Жуков. — Кўнгил тортмайди. Гарчи ўқимишли профессорлар гўёки пиво организм учун жуда фойдали ва гўё у сабабли организм семиради, дейишса-да, мен буни тан олмайман.

Албатта, ўқимишли профессор бир стакангина пивони тушликка ва ярим стакангинасини кечки овқатга симиради — унга фойдали, унинг организми семираверади ҳам. Стаканларга қаноат қилмайдиганлар-чи, улар учун пиводан ёмони йўқ.

Мен эса, масалан, пиводан ҳушимни йўқотаман. Ва мурддан фарқим қолмайди. Ҳатто нафас олишим ҳам тўхтайди.

Шанба кунларидан бирида йигитлар ичишга отланишди. Мен ҳам эргашдим.

Роса ичибмиз, ўзиям. Фақат бир пайт, бешинчисидан кейин, кайфим ошиб қолди ва стулда оқарган кўйи ўтирибман, денг, зерикяпман.

Йигитлар, албатта, тинчлик беришмайди:

— Федя, Федя...

Федяси тушмагур эса оғзини очганича лом-мим демайди.

Йигитлар тананинг заифлиги учун халойиқдан узр сўрашди, қўлтиғимдан олишди ва уйга обориб ташлашди.

Уйда калавотга ётқизишди, калавотда эса ўзимни янада ёмонроқ ҳис этдим.

Хотиним жуда қўрқиб кетди, баданимни хўл сочиқ билан ишқалай бошлади, буям кор қилмагач, врачга югурди.

Коммунал врач келди. Мени кўздан кечирди ва деди:

— Унинг организмида пивонинг таъсирида алланима ўрнидан кўчиб кеттанга ўхшайди. Ичаги буралиб қолгандир, балки. Касалхонага олиб боринглар. Ўша ерда текшириб кўришади.

Мени касалхонага олиб боришди, денг.

Кейин нима бўлганини эслай олмайман. Олдимда темир девор пайдо бўлгандек эди гўё.

Фақат совуқ ва очлиқдан ўзимга кела бошладим.

Уйғондим. Атроф зим-зиё.

Нимага қоронғи экан-а? Ҳаммаёқ зулмат. Бу нима майнавозчилик? Ўзи мен қаердаман?

Ўтириб олдим. Қарасам, тахтанинг устида қип-яланғоч ўтирибман. Атрофимда касаллар тахланиб ётибдими-ей, ёки бошқа нарсаларми, ё бўлмаса марҳумлармикин, билмадим.

Шу қадар ҳушимни йўқотаёздимки, шу қадар қўрқиб кетдимки! Қаерда эканман-а? Ё ўлганмикинман-а? Ёки бўлмаса пиводан ҳушимдан кетганман-у, мени ўлдига чиқаришдимикан?..

Эҳ, ҳа! Ана холос!

Гугурт чақиб, атрофни кўздан кечирмоқчи бўлдим. Киссамга қўл югуртирдим. Киссам йўқ — фақат қип-яланғоч оёқ. Гимнастёркамга қўл чўздим — қип-яланғоч қорин.

Жуда жасур одамларданман, албатта, ҳатто ўт-оловман, шу тобда эса, тан оламан, қўрқиб кетдим.

Бир пайт эшик ёнида йўлакда кимнингдир оёқ товушини эшитдим. Кейин у тутқични ушлаб, эшикни оча бошлади.

Эҳ, нима қилсам экан-а? Қоровул келаётган бўлса-чи? Уни қўрқитиб юбормасам эди. Қоронғида ўрнингдан туриб ёки қичқириб юборсанг борми — нақ юраги ёрилиб ўлади. Эҳ, нима қилсам экан?

Шу пайт эса эшик очилди ва қоровул кириб келди. Қоронғу бўлса-да, унинг мош-гуруч соқолли, бошига картуз кийиб олган қария эканини илғадим.

Эҳ, нима қилсам экан-а? Қимирлаб бўлмайди, овоз чиқариб бўлмайди, фақат лабларим орасидан "тсс" деган овоз чиқараяпман.

Бир пайт қоровул "тсс"ни эшитиб қолди-ю, ғалати оҳангда чийиллаб юборди-да, йиқилиб тушди, кейин жон ваҳмида эмаклаб эшик томон ошиқди.

Ана холос! Қўрқитиб юбордимку. Энди фарқи йўқ.

— Тўхта, укатой! Қўрқма! Бу мен — Федяман! — деб бақирдим.

Қоровулнинг ортидан югуриб чиқдим, югуряпману, оёғимдаги тахтача, рақам ёзилган бўлса керак, шалоплайди. Қоровул эса ортига ўгирилиб қаради-ю, шаталоқ отиб қочиб қолди.

Йўлак бўйлаб югуряпмиз денг, учраган одам борки, ҳар томонга сочилади. Менинг эса ҳеч нима билан ишим йўқ.

Қандайдир хонагача югуриб бордим. Қуладим.

— Биродарлар, бу мен — Федя Жуковман! Тирикман...

Мени калавотга ётқизишди, вино тутишди. Мен бақирдим:

— Йўқ, етар, ичмайман! Ичмайман!.. Ҳеч қачон оғзимга олмайман!

Шундай қилиб, ичишни ташлаб юбордим.

Қоровул эса соғайиб кетди. Ҳатто мени кўргани кирди. Биз у билан дўстлашиб ҳам қолдик ва бир бутилкадан портер ичдик.

ВОҚЕА

Кеча, азизлар, бизнинг коммунал квартирамизда анчайин муҳим воқеа содир бўлди.

Шу десангиз, рафиқам билан эндигина кинодан қайтган эдик. Ўзимнинг хонамда ўтирибман. Калавотда. Пойабзалимни ечяпман.

Бир этигимни энди ечган ҳам эдимки, ташқаридан аянчли қичқириқ эшитилди. Айтиш мумкинки — чинқириқ.

Хотинимнинг ранг-рўйи оппоқ оқариб кетди ва шивирлаб деди:

— Худо ҳаққи, Степанидани тунашяпти! Бояқишнинг дўриллоқ овози... Босқинчилар...

Степанидани қутқариш учун йўлакка чиқмоқчи эдим, хотиним йўлимни тўсди.

— Эшикни тамбала. Жиноий ишга бош суқишга бало борми. Сен ҳар ҳолда оилали одамсан.

Мен эса:

— Рост, бировларнинг ишига суқулиб нима ҳам қилдим. Энг муҳими, пойабзалимни ечиб қўйдим — шамоллаб қолишим мумкин, — дедим.

Биз эшикни буюмлар ва кийим-кечак солинадиган жавон билан тамбалаб, оғирроқ бўлаверсин деб устига жимгина ўтириб олдик.

Бирдан йўлакда нимадир гурсиллаб кетди. Кейин жимлик чўкди.

Хотиним деди:

— Кетишди, чоғи.

Айни шу пайт бизнинг деразамиз синди ва каска кийган ўт ўчирувчи тақиллатиб ҳам ўтирмай хонамизга суқулиб кира бошлади.

— Квартирангизни аланга қуршаб олган, сизлар эса жавонда салқинлаб ўтирибсиз.

Қизиғи шундаки, нафақат бизни, балки ҳамма ижарачиларни деразадан чиқариб олишга тўғри келди. Степанидани чинқириғини эшитгач, ҳамма эшигини қулфлаб, буюмлар билан тамбалаб олган экан. Ва бирор кимса ҳам ўз хоҳиши билан чиқиб келмаган. Степанидани истисно этганда, албатта. Бу тентак аёл ўт кетишига сабаб бўлган, додвой солган ва ҳовлига югуриб чиққан экан. Зарар тўқсон рублни ташкил қилди.

Абдувоҳид УМР таржималари

2010 йил — Баркамол авлод йили

ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...

Мухлиса тикаётган сўзанасининг тайёр қисмини кўздан кечирди. Қуёш, мовий осмон ва камалак ранглари матода ўзгача товланади. Ёнида чаққон ҳаракатланаётган тўқувчи қизларнинг нозик бармоқлари бўлғуси сўзанага гўё эртанги орзуларини меҳр билан тикаётгандек эди.

Жиззах давлат педагогика институтига ўқишга кирган Мухлиса машғулотлардан бўш вақтлари институт қошида фаолият кўрсатаётган "Уста-шогирд" устахонасига қатнай бошлади. Устози Мавлуда Жабборова унинг бадиий каштачиликка иштиёқи баланд эканини пайқаб, буюмдаги кашталарга мос иплар топишда кўмаклашди.

Вилоятда болалар ўйинчоғи ҳисобланган турли қўғирчоқларнинг ишлаб чиқарилмаслиги ва уларнинг бозор расталарида тақчиллиги Мухлисага кўпдан тинчлик бермай келарди. Шу тариқа унда институт қошида қўшимча ҳунармандлик тўгараги очиш ва унга талаба қизларни жалб этиш истаги пайдо бўлди. Бу фикрини устозлар ҳам қўллаб-қувватладилар. Тез орада қўшимча хона ажратилиб, унинг саҳни сўзана, дарпарда, ёстиқ жилд, турли қўғирчоқлар билан тўлиб, шогирдлари ҳам чевар тикувчилар ҳисобига кўпайиб борди. Биргина етти турдаги болалар қўғирчоқларининг сони мингдан ошиб кетди.

Мана бир неча йилдирки, ғайратли ҳунарманд уста Мухлиса Қодирова шогирдлари билан тайёрланган нафис ва чиройли қўғирчоқларни Жиззах шаҳар 29-меҳрибонлик уйи, Жиззах туманидаги "Ғунча", "Озода" мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бир қанча умумтаълим мактаби ўқувчиларига совға қилиб келмоқда. Корея, Япония, Ҳиндистон каби давлатлардан келган вакиллар миллий қўғирчоқлардан намуналар олиб кетишди.

Мухлиса асосан қишлоқларда истиқомат қилувчи оилалар фарзандларига алоҳида эътибор беради. Ҳунар ўрганишга интилаётган ёшларга миллийлик билан замонавийликни уйғунлаштириб, ҳунармандчилик сирларини ўргатишдан чарчамайди. Ўзи туғилиб ўсган Жиззах туман "Раваллиқ" маҳалласидаги ўн беш нафар ўқувчи-ёшлар Мухлисага шогирд тушиб, нафис бежирим миллий либослар, болалар ва аёллар кийими ҳамда уй-рўзғорда керак бўладиган буюмлар тикишни ўрганишяпти. Ҳозир Ирода Зиёева, Маҳфуза Ёқубжонова, Холида Пирматова, Достон Очилов каби ёшлар мустақил фаолият олиб боришмоқда.

Тиниб-тинчимас Мухлиса республикамизда ўтказиладиган турли кўрик-танловларда иштирок этмоқда. 2007 ва 2008 йилларда ўтказилган "Экосан" жамғармаси экофестивалида биринчи ўринга сазовор бўлди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллигига бағишланган кўргазманинг дипломи билан тақдирланди. Эндигина йигирма бир баҳорни қаршилаган Мухлиса айни вақтда Жиззах педагогика институтининг педагогика-психология факултети мусиқий таълим йўналиши тўртинчи босқич талабаси. У ўқув даргоҳида бўлиб ўтаётган тадбирларда фаол иштирок этиб, тенгқурларига намуна бўлмоқда.



М.Қодирова "Ташаббус — 2009" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Энг яхши ҳунарманд" дея эътироф этилди. "Туркистон" саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган "Ташаббус — 2009" кўрик-танловида "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналиши бўйича бош совринни қўлга киритди ва диплом, совғалар билан тақдирланди.

Омад сенга ёр бўлаверсин, Мухлиса.

Абдулла САИДОВ

Жиззах вилояти

ЧЕХ ЭРТАГИ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Пойтахтимиз кинозалларидан бирида ўтган "Попелка учун уч ёнғоқ" деб номланган байрам Иқтисодиёт университети қошидаги гимназия, 90-мактаб ўқувчилари, шаҳар болалар ижодиёти маркази қатнашчилари учун эсда қоларли совға бўлди.

Ўзбекистон Чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти кенгаши, Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Миллий телерадиокомпаниянинг "Ўзбекистон" телерадиоканали кинотаҳририяти, "**Cinema market**" компанияси ҳамкорлигида ўтказилган Попелка (чехлар Золушкаси) ҳақидаги эртакка саёҳатни кенгаш раиси Саидаҳрор Ғуломов очди. "Баркамол авлод йили"да, Наврўз кунларида болаларнинг чех киночилари асари билан ўз она тилларида илк бор учрашишлари кўнгилли воқеа, — деди у сўзида. — Бу филм биринчи марта ўзбек телевидениеси орқали намойиш этилганди, энди эса катта экранга кўчди. Навбатда бошқа жойларда ҳам худди шундай тадбирлар ўтказиш режамизда бор".

"Бундан йигирма йил олдин "Баррандовфилм" (Прага) киностудиясида чех ёзувчиси Божена Немцованинг "Попелка учун уч ёнғоқ" эртаги асосида режиссёр Вацлав Ворличек томонидан суратга олинган шу номдаги эртак-филм ҳозирги кунгача дунё болаларининг севимли томошаси бўлиб келяпти, — деди картинанинг ўзбекча варианти режиссёри Шомаҳмуд Шорасулов (унинг ўзи Шаҳзодага ва барча ёш қаҳрамонларга овоз берган). — Гуруҳимиз Чехиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Фахрий ёрлиқ билан мукофотланганидан ниҳоятда мамнун бўлдик".

Мазкур эртак устида ишлаган кино таҳририяти бош муҳаррири Ғайрат Саъдуллаев, таржимон Барно Абдураимова, овоз режиссёри Обид Икромов, таниқли актёрлар Дилбар Исмоилова, Ҳожиакбар Комилов, Зулхумор Мўминовалар ҳам шундай ажойиб байрам ташкилочиларидан миннатдор бўлишди.

Тадбир ташкилотчилари залга йиғилган ҳар бир болага журналлар, дисклар, календарлар билан бирга уч донадан орзу ёнғоғи улашдилар. Бу ёнғоқ бош рол ижрочилари Либуша Шафранкова ва Павел Травничек билан учрашув учун ташриф қоғози вазифасини ўтайди. Чехиянинг Ўзбекистондаги элчиси Роберт Копецки актёрлар Ўзбекистонга, албатта, келишларини айтди. "Байрам кутганимиздан ҳам зиёда ўтди, — деди элчи жаноблари. — Чех болаларининг севимли қаҳрамонлари овозини ўзбек болаларига гўзал тарзда етказиб берган актёрлар билан учрашиш бизга қувонч бахш этди. Филмнинг ўзбекча варианти ижодкорлари автографлари қўйилган суратлар, филм диски, болалар ижодиёти уйи қатнашчилари қўллари билан тайёрланган эсдалик совғалари бизни ўзбек ёшлари ва халқингиз билан янги учрашувларга илҳомлантиради".

Тадбир сўнгида болаларга уй вазифаси берилди: Либуша Шафранковага учта савол топиш, эртак бўйича сурат чизиш. Бу вазифалар актриса ҳамда филм ижодкорларига юборилади ва энг яхши ишлар танлаб олиниб, ғолиблар аниқланади.

Флора ФАХРУДДИНОВА

Маданий ҳаёт

"Чилонзор" болалар спорт мажмуасида "Баҳор маликалари — 2010" спорт мусобақаси ўтказилди. Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан Наврўз байрами муносабати билан ташкил этилган ушбу мусобақада ўқувчи-қизлар спортнинг енгил атлетика тури бўйича жамғарма соврини учун баҳс олиб боришди. Умумжамоа ҳисобида Учтепа тумани спортчи қизлари биринчи ўринни қўлга киритдилар.

* * *

Мирзо Улуғбек туманидаги "Югнакий" болалар соғломлаштириш мажмуасида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган спорт мусобақаларида ўқувчи ёшлар баскетбол, волейбол, футбол ва қувноқ старт баҳсларида ўзаро беллашишди. Умумжамоа ҳисобида яхши жисмоний тайёргарликка эга бўлган 256-мактаб жамоаси мутлақ ғолибликни қўлга киритди.

* * *

Тошкент фотосуратлар уйида "Наврўз — 2010" анъанавий ва замонавий амалий безак санъати кўргазмаси очилди. Унда кулол, ёғоч ўймакор усталар ижоди намойиш этилаётир. Сўзаналарнинг Самарқанд ва Бухоро намуналари, Шаҳрисабз каштачилиги кўргазмани янада бойитган.

* * *

С.Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоғистон ёш томошабинлар театрида эстрада, миллий қўшиқ, фолклор ва болалар жамоаларининг республика танлови ўтказилди.

"Туркистон-пресс"

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг Репертуар-таҳририят бўлими ҳаваскорлик жамоаларининг репертуарини мазмунан бойитиш мақсадида "Баркамол авлод йили"га бағишланган, ватанпарварлик, мустақиллик, бахтиёр ёшлик, муҳаббат мавзуларида яратилган, ёшлар тарбиясига хизмат қиладиган ҳаваскорлик даражасидаги саҳна асарлари ва мусиқа асарларини қуйидаги йўналишлар бўйича белгиланган қийматда сотиб олади:

— Ҳаваскор театр жамоалари, кўғирчоқ ва болалар театрлари учун бир пардали пиесалар.

— Ашула ва рақс, фолклор-этнографик ансамбллари учун куй, қўшиқ ва рақслар.

— Атоқли саналар ва касб байрамларига бағишланган сценарийлар.

— Ҳаваскор эстрада ансамбллари, халқ ғолғу оркестрлари учун куй ва қўшиқлар.

Тақдим этиладиган асарлар илгари ижро этилмаган ва чоп қилинмаган бўлиши шарт. Асарларнинг матни ва нотаси икки нусхада компютер графикасида ёзилган бўлиши зарур. Топширилган нусхалар муаллифларга қайтарилмайди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармаси. Тел: 239-41-22; 239-40-99.



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази жамоаси марказ ходими Маъруф Гадоевга отаси

Ислом ҲОЖИ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбек филологияси факультети жамоаси "Ўзбек мумтоз адабиёти" кафедраси доценти Тожихон Собитовага онаси

Умрхон ая САИДҒОЗИ қизининг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси жамоаси таҳририят ходими Сарвара Қосимовага опаси

Доно АМИРБЕКОВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Утерянную лицензию на работу на имя Toprak Ahmet выданную агентствам трудовой миграци **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ**.

* * *

ООО "ZUMAR TECH" Собир Рахимовского р-на сообщает об уменьшении уставного фонда с 76091210 да 57150000 сўм.

* * *

ЧП "GASPAROV ARTYUSH BAGRATOVICH" расположенное по адресу, Хамзинский район, 1-проезд С.Азимова дом-1, кв-24 зарегистрированное Инспекцией по регистрации субъектов препринимательства Хамзинскоко района от 23 июля 2009 года реестрофым номером 002392-07, ИНН-301234625 ЛИКВИДИРУЕТСЯ. Решение о добровольной ликвидации от 18.03.2010 год, №1. Претензии принимаються в течение 2-х месяцев по тел: 439-52-36.

* * *

Утерянный аттестат А№195334 выданный вечерний школой №27 Юнус-Абадского р-на г.Ташкента на имя Тулагановой Нигоры Ильхамовны в 1992г. **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ**.

* * *

Утерянный план дома по адресу Яккасарайский р-на ул, 1тор-Андижон д-48, на имя Бабарахимовой Зульфии Исмаиловны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Лицензия на работу за №041409 выданная гражданину Российской Федерации Мухаммадиеву Рубину Таштимировичу Министерством трудострайства Руз в связу с утерей **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

* * *

Утерянный аттестат об окончании 11 классов О"R-В 042688 выданный 20.06.1998г. ср. школой №21 г.Алмалыка Ташкентской области на имя Юн Вероникe Брониславовны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ**.

* * *

Утерянный гос.ордер №0022/3291 от 08.08.1994г. Права собственности на квартиру на имя Мокин Михаил Юрьевич **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ**.

* * *

Утерянный гос.ордер №11.01/4637 от 24.02.1993г. и план БТИ права собственности на квартиру на имя Даминов Адилжан **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ**.

* * *

Утерянный гос.ордер №04-02/4738 от 19.01.1993г. Права собственности на квартиру на имя Зудина Зинаида Васильевна **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ**.

* * *

ЎзДЖТУ томонидан 2008 йилда Йўлдошева Манзура Оллашукуровна номига берилган №1378/08 рақамли диплом (бакалавр диплом №371600) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:

Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48

Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 233-49-93

Бош муҳаррир ўринбосари Мурод АБДУЛЛАЕВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Гулчеҳра УМАРОВА

Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 24.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 7626. Буюртма Г — 248. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН